БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 194 (7641)

19 АВГУСТ ШАНБА 1950 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ СУҒОРИЛАДИГАН ДЕҲҚОНЧИЛИК РАЙОНЛАРИДАГИ ПАРТИЯ, СОВЕТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ВАҚТДАГИ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ — СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАН, СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИНИ МАШИНАЛАШТИРИШНИ ҲАРТАРАФЛАМА КУЧАЙТИРИШ ВА СУҒОРИЛАДИГАН ДЕҲҚОНЧИЛИКДА ИЛҒОР АГРОТЕХНИКАНИ КЕНГ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ЙЎЛИ БЛАН ҲАММА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИНГ ҲОСИЛИНИ ЯНАДА ТЕЗ ОШИРИШНИ ТА'МИНЛАШДАН ИБОРАТ ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.

(СССР Министрлар Советининг «Суғориладиган ерлардан тўла фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик ишларини машиналаштиришни яхшилаш мақсадида янги суғориш системасига ўтиш тўғрисида»ги қароридан).

Деҳқончиликнинг юксак маданияти учун

Бугун «Правда»да СССР Министрлар Советининг «Суғориладиган ерлардан тўла фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик ишларини машиналаштиришни яхшилаш мақсадида янги суғориш системасига ўтиш тўғрисида»ги Қарори э'лон қилинди. Партия ва ҳукуматнинг социалистик деҳқончилик маданиятини оширишга қаратилган тадбирлари қаторида бу Қарор алоҳида ўрин тутади. **Бу Қарор совет халқининг табиатни ўзгартириш учун, табиатнинг қудратли кучларини коммунизм қурилиши манфаатларига бўйсундириш учун олиб бораётган кураши тарихида янги шонли саҳифа очади.**

СССР Министрлар Советининг та'кидлаб ўтишича, мамлакатимизда суғориладиган деҳқончилик анча кенгайди. Ўрта Осиё ва Закавказье шароитида суғориш ишлари қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил юқори ҳосил олиш ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда ҳал қилучи аҳамиятга эгадир. СССРнинг Европа қисмидаги марказий—қоратупроқ зонаси районларида ва бошқа дашт ҳамда ўрмон-дашт районларида ҳам қурғоқчиликка қарши кураш ва қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил мўл ҳосил олишни та'минлашда суғоришнинг аҳамияти тобора ортмоқда.

Мамлакатимизда суғориладиган деҳқончиликнинг тез ривожланиб бориши совет социалистик тузумининг капиталистик тузумдан ғоят афзаллигини яққол кўрсатади. Фақат совет ҳокимияти ва социалистик деҳқончилик шароитидагина далаларни суғоришни умумдавлат, умумхалқ ишига айлантириш мумкин бўлди. Ишлабчиқариш воситалари хусусий мулк бўлган ва ердан йиртқичларча фойдаланилаётган капитализм шароитида бундай вазифани ҳал қилиб бўлмайди.

Йигирма-ўттиз йиллик қисқа муддат ичида мамлакатимизда юзларча ва минглларча янги суғориш каналлари қазилди. Бу каналлар илгари қақраб ётган ерларни яшнаган водиларга айлантирди. Суғориш ишлари сўнгги йилларда айниқса кенг қулоч ёйди. Колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари табиатни ўзгартиришдан иборат сталинча планни амалга ошириш учун курашиб, тўғонлар қурмоқдалар, ҳовузлар ва янги каналлар қазимоқдалар, дар'ёларни чуқурлаштирмоқдалар. Бу соҳадаги катта ишларнинг натижалари ҳозирдаёқ деҳқончилик маданиятининг юксалишида, далаларнинг ҳосили ортишида яққол кўриниб турибди. Ҳали яқиндагина «ўлик» деб ҳисобланган ерлар эндиликда тобора мўл ҳосил берадиган унумдор ерларга айланди.

СССР Министрлар Советининг бугун э'лон қилинаётган Қарорининг катта халқ хўжалик аҳамияти шундаки, бу Қарор мамлакатимизда суғориш ишларини ривожлантиришнинг янги ғоят катта программасини белгилаб беради. **«СССР Министрлар Совети суғориладиган деҳқончилик районларидаги партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг ҳозирги вақтдаги энг муҳим вазифаси — суғориладиган ерлардан фойдаланишни яхшилаш ишларини амалга оширишдан, суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалик ишларини машиналаштиришни ҳартарафлама кучайтириш ва суғориладиган деҳқончиликда илғор агротехникани кенг жорий қилиш йўли блан ҳамма қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини янада тез оширишни та'минлашдан иборат деб ҳисоблайди».**

СССР Министрлар Советининг Қарорида йирик машиналаштирилган социалистик деҳқончиликка мос келадиган суғоришнинг янги, илғор системасига ўтиш кўзда тутилади. Янги системанинг устунлиги суғориладиган ерлардан унумли фойдаланишдан ва қишлоқ хўжалик ишларини машиналаштиришни яхшилашдан иборатдир.

Тажриба жуда кўп доимий ариқлари бўлган мавжуд суғориш системаси қишлоқ хўжалигининг ҳозирги тараққиёт даражасига жавоб бераолмаслигини кўрсатади. Суғориш участкалари кичик бўлган бу система тракторлар, комбайнлар ва бошқа мураккаб машиналардан унумли фойдаланишга тўсқинлик қилади, суғориладиган ерларнинг анчагина қисмидан фойдаланилмай қолишига ва ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлишига олиб келади. Шу блан бирга бу система ариқларни тозалаш ишларининг ҳажмини кўпайтиради, сувнинг ерга сингиб нобуд бўлишини оширади ва ёввойи ўтлар ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари уяларининг авж олишига сабаб бўлади.

Кўпгина илғор колхозлар, совхозлар ва илмий-текшириш муассасалари суғориш тормоқларини қуришда янги, мукаммалроқ усулларни ишлаб чиқиб, амалда улардан фойдаланмоқдалар. Улар доимий ариқлар системасини фақат суғориш даври учун қилинадиган ва ерни ишлашни ҳамда экинларни парвариш қилишни машиналаштириш талабларига қараб кўмиб ташланадиган ариқлар блан алмаштирмоқдалар.

СССР Министрлар Совети илғор фан ютуқларини ва колхозларнинг тажрибасини назарга олиб, суғориладиган деҳқончилик районларида ҳамма ерда вақтинча ариқлардан фойдаланишдан иборат янги суғориш системасига ўтиш ҳақида қарор қабул қилди. Янги система доимий ариқларни тугатиш ҳисобига суғориладиган ерлардан тўла фойдаланиш, суғориш участкаларини кенгайтириш ва шу блан мураккаб техникадан фойдаланишни яхшилаш имкониятини беради. Шу блан бирга сувдан фойдаланиш яхшиланади, сувдан фойдаланиш харажатлари камаяди, ёввойи ўтларнинг ва қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларининг уяларини йўқотиш осонлашади.

Ҳукумат суғориладиган ҳамма колхоз ва совхозларда уч-тўрт йил мобайнида янги суғориш системасига ўтишни вазифа қилиб қўйди. Суғориш тормоқларини қайтадан қуриш плани тасдиқланди. Суғориладиган деҳқончилик районларига янги суғориш системасига ўтиш учун зарур бўлган кўп миқдорда машиналар ажратилади. Бу ишни ўтказиш учун инструкторлар ва бошқа мутахассислар тайёрлаш тадбирлари белгиланди. Эски тут ва мева дарахтларини мумкин қадар кўпроқ сақлаб қолиш ҳамда янгиларини ўтқазиш тадбирлари белгиланди.

СССР Министрлар Советининг Қарори қишлоқ хўжалигидаги тажрибадан ва қишлоқ хўжалик фани та'лимотидан ижодий фойдаланишга ўргатади. Доимий ариқлар суғориш ишларининг энг мукаммал усули деб илгаридан ҳисобланиб келинар эди. СССР Министрлар Совети илғор колхозларнинг тажрибасини ва илмий-текшириш муассасаларининг муваффақиятларини оммалаштириш асосида суғориш ишларининг янги, чинакам илмий, деҳқончилигимизнинг тараққиёт даражасига муносиб системасини ишлаб чиқди. Бу системанинг амалга оширилиши пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг умумий ҳосилини янада ошириш, қишлоқ хўжалик машиналаринингг иш унумини кўтариш ва қишлоқ хўжалигида иш ҳажмини камайтириш учун янада қулайроқ шароит яратиб беради.

Янги суғориш системасига ўтиш **деҳқончилигимизнинг маданиятини юксалтириш** йўлида олға босиладиган катта қадам бўлади. Янги системага ўтиш социалистик қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун, мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиш учун курашда колхозчи деҳқонларнинг янги ғалабаси бўлади.

Қудратли дар'ёларнинг сувини ўзига бўйсундириш, қақраб ётган далаларни ва полизларни бу ҳаётбахш сув блан қондириб суғориш тўғрисида деҳқонлар асрлар ва минг йиллар бўйи ҳаёл қилиб келган эди. Совет ҳокимияти ва колхоз тузуми суғориш масаласини бутун давлат миқ'ёсида муваффақиятли суратда, чинакам илмий асосда ҳал қилиш учун тарихда биринчи марта шароит яратиб берди. Совет деҳқонлари большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида, колхоз тузумининг доно ижодчиси ўртоқ Сталин етакчилигида коммунизм қуриш манфаатларида табиатни ўзгартириш вазифасини дадиллик блан ҳал қилмоқдалар.

(«ПРАВДА»нинг 18 августдаги бошмақоласи).

МОСКВА, КРЕМЛЬ

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАЙСИ

ўртоқ Иосиф Виссарионович СТАЛИНГА

Қадрдоп Иосиф Виссарионович, Ставрополь ўлкаси Черкас автоном областининг колхоз ва совхозлари Сизга ёзилган мактубда олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашиб, ғалла тайёрлаш давлат планини (жўхоридан ташқари) муддатидан илгари бажарганликларини Сизга ма'лум қиламиз. Асосий озиқ-овқат маҳсулоти бўлган буғдой тайёрлаш плани **ошириб бажарилди.** Буғдой ўтган йилдагига қараганда 557 минг пуд кўп топширилди. МТСларнинг қилган ишлари учун натура ҳақи ҳисобига давлатга ғалла топшириш давом этмоқда.

Областьнинг колхоз ва совхозлари кузги ва баҳори экинлар экиш учун ўзларини етарлик уруғлик блан та'минлаб қўйдилар. Колхозчилар жамоат чорва молларини ем-хашак блан та'минлаш ишларини олиб бормоқдалар.

Черкас меҳнаткашлари партия ва ҳукуматнинг доимий ғамхўрлигига жавобан тинчлик учун, Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам бор кучлари блан курашадилар.

ВКП(б) Черкас область комитетининг секретари В. ИЕВЛЕВ.
Меҳнаткашлар депутатлари Черкас область Совети ижроия комитетининг раиси А. ГЕДИГУШЕВ.
Тайёрлаш министрлигининг Черкас автоном областидаги вакили Г. ЗУЕВ.
Черкас область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи И. ГРЕВЦЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 2-нчи чақириқ 5-нчи Сессиясининг очилиши ҳақида

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 2-нчи чақириқ 5-нчи Сессияси 1950 йил 19 август, эрталаб соат 11 да, Алишер Навоий номидаги театр биносида очилади.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Суғориладиган ерлардан тўла фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик ишларини машиналаштиришни яхшилаш мақсадида янги суғориш системасига ўтиш тўғрисида

СССР Министрлар Совети та'кидлайдики, мамлакатимизда суғориладиган деҳқончилик анча кенгайди. Ўрта Осиё ва Закавказье шароитида суғориш ишлари қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил юқори ҳосил олиш ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда ҳал қилучи аҳамиятга эгадир. СССРнинг Европа қисмидаги марказий—қоратупроқ зонаси районларида ва бошқа дашт ҳамда ўрмон-дашт районларда ҳам қурғоқчиликка қарши кураш ва қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил мўл ҳосил олишни та'минлашда суғоришнинг аҳамияти ортмоқда.

СССР Министрлар Совети суғориладиган деҳқончилик районларидаги партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг ҳозирги вақтдаги энг муҳим вазифаси — суғориладиган ерлардан фойдаланишни яхшилаш ишларини амалга оширишдан, суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалик ишларини машиналаштиришни ҳартарафлама кучайтириш ва суғориладиган деҳқончиликда илғор агротехникани кенг жорий қилиш йўли блан ҳамма қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини янада тез оширишни та'минлашдан иборат деб ҳисоблайди.

Шу блан бирга СССР Министрлар Совети та'кидлайдики, суғоришнинг мавжуд системаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳозирги талабларига жавоб бермайди. Ҳозирги суғориш системаси қишлоқ хўжалик машиналари ўтаолмайдиган жуда кўп доимий ариқлардан иборатдир, бу ариқлар одатда ҳар 80—150 метр жойда бўлиб, суғориладиган ерларни 1,5—3—10 гектар катталигидаги майда, алоҳида-алоҳида суғориш участкаларига ажратади.

Кўп йиллик тажриба суғориш участкалари кичик бўлгани ҳолда доимий ариқларнинг кўп бўлиши:

а) доимий суғориш ариқларининг ўрни ва суғориш каналларининг ёқалари суғориладиган ерларнинг 4—6 процентини, айрим ҳолларда эса 10—12 процентини банд қилганидан, бу банд қилинган ерларнинг одатда қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун фойдаланилмай қолишига сабаб бўлади;

б) машиналар бурилган вақтда қишлоқ хўжалик экинларининг шикастланиши натижасида 3—5 процентгача ҳосилнинг нобуд бўлишига олиб келади;

в) тракторлар, комбайнлар, пахта териш машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналаридан унумли фойдаланилишига тўсқинлик қилади, чопиқ қилинадиган экинларни машина блан қирқма-шахмат усулида ишлашга йўл қўймайди, шунингдек тракторлар ишлаган вақтда ёнилғининг кўп сарфланишига сабаб бўлади;

г) доимий ариқларни лойқа ва ҳасчўплардан тозалаш ишлари ҳажмини кўпайтиради, шу блан бирга бу иш ҳозирги вақтда одатда қўл блан бажарилади ва колхоз ҳамда совхозларнинг кўп ишчи кучларини банд қилади;

д) сувнинг ерга сингиб нобуд бўлишини кўпайтиради, бу эса сизот сувларининг кўтарилишига сабаб бўлади ва суғориладиган ерларнинг мелиорация аҳволини ёмонлаштиради;

е) суғориш ариқлари ёқасида ёввойи ўтлар ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳашаротлари уяларининг кўпайишига сабаб бўлади.

Кўпгина илғор колхозлар, совхозлар ва илмий-текшириш муассасалари доимий ариқлар ўрнига фақат суғориш даври учун фойдаланиладиган ва ерни ишлашни ҳамда экинларни парвариш қилишни машиналаштириш талабларига қараб кўмиб ташланадиган муваққат ариқлар қазиш йўли блан суғориш тормоғининг янги, мукаммалроқ усулларини ишлаб чиқдилар ва бу усуллардан амалда фойдаланмоқдалар.

Суғориш системаларини қайтадан қуришда илғор колхозлар, совхозлар, шунингдек илмий-текшириш муассасалари томонидан ортдирилган тажриба ҳозирги вақтда ҳамма жойда муваққат ариқлардан фойдаланиш йўли блан суғоришнинг янги системасига ўтиш имкониятини беради. Суғоришнинг бу янги системаси илғор тажрибани янада ривожлантириш блан бирга, суғориладиган ерлардан фойдаланишни яхшилаш ва бирқанча илғор колхоз ҳамда совхозлардаги ҳозирги вақтдагига қараганда каттароқ суғориш участкалари ташкил қилиш юзасидан кенг тадбирлар ўтказиш имкониятини беради.

Муваққат ариқлардан фойдаланишдан иборат янги суғориш системаси:

а) доимий ариқларни тугатиш ва ҳозирги вақтда доимий ариқлар ёқасидаги қишлоқ хўжалик экинлари экилмайдиган ерларни ишга солиш ҳисобига суғориладиган ерлардан тўлароқ фойдаланиш, шунингдек ҳосилнинг машиналар буриладиган жойларда шикастланиб нобуд бўлишини камайтириш имкониятини беради;

б) суғориш участкаларини кенгайтиради, бу эса қишлоқ хўжалик ишларини машиналаштиришни кучайтириш, ҳозирги замон йирик машина техникасидан фойдаланиш, суғориладиган деҳқончиликда қишлоқ хўжалик машиналарининг иш унумини анча ошириш ва далаларни ишлаш учун қилинадиган чиқимларни камайтириш имкониятини беради;

в) ариқларда сувнинг ерга сингишини камайтириш ҳисобига сувдан тўла фойдаланиш ва ерларнинг мелиорация аҳволини яхшилаш имкониятини беради;

г) ариқларни лойқа ва ҳас-чўплардан тозалаш ишларининг ҳажмини камайтириш ҳисобига ариқларни сақлаш учун бўладиган харажатларни камайтириш, шунингдек суғориш тормоқлари қазишда оғир ишларни машиналаштириш имкониятини беради;

д) ёввойи ўтлар ва қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандалари уяларини тез тугатиш имкониятини беради.

Янги суғориш системасидан фойдаланиш пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг умумий ҳосилини янада кўпайтириш, қишлоқ хўжалик машиналарининг иш унумини ошириш ва қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерлардаги иш ҳажмини камайтириш имкониятини беради.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва СССР Совхозлар министрлиги муваққат ариқларнинг жуда афзаллиги ҳақида қўлларида ма'лумотлар бўлишига қарамай, илғор колхозларнинг тажрибасидан ва илмий-текшириш муассасаларининг бу соҳадаги муваффақиятларидан қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланиш чораларини кўрмаганлар. СССР Министрлар Совети буни нотўғри деб ҳисоблайди.

СССР Министрлар Совети янги суғориш системаси суғориладиган деҳқончиликда иш унумини янада оширишда ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини э'тиборга олиб, қарор қилди:

1. СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Пахтачилик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, область, ўлка ва республикаларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари олдига, колхозлар, МТС ва совхозлар олдига суғориладиган деҳқончилик районларидаги барча колхоз ва совхозларда доимий ариқлар ўрнига муваққат ариқлардан фойдаланишдан иборат янгича суғориш системасига уч-тўрт йил ичида ўтиш вазифаси қўйилсин.

2. Республика, ўлка ва областьларда суғориш тормоғини қайтадан қуриш ва суғоришнинг янги системасига ўтиш плани қуйидагича тасдиқлансин:

	Жам'и	Минг гектар ҳисобида, шу жумладан: 1950 йилда	1951 йилда	1952 йилда	1953 йилда
Ўзбекистон ССР	1500	200	550	400	350
шу жумладан:					
Тошкент области	211	28	90	56	37
Фарғона области	223	23	50	60	90
Наманган области	104	14	40	28	22
Андижон области	157	21	60	41	35
Самарқанд области	200	27	78	53	42
Бухоро области	185	25	70	49	41
Қашқадар'ё области	31	4	12	8	7
Сурхондар'ё области	60	15	20	16	9
Хоразм области	164	21	65	44	34
Қорақалпоғистон АССР	165	22	65	45	33
Қозоғистон ССР	600	60	200	300	40
шу жумладан:					
Олмаота области	100	10	38	52	—
Шарқий Қозоғистон области	50	5	10	35	—
Жамбул области	100	10	38	42	10
Қизил Ўрда области	10	2	3	5	—
Семипалатинск области	50	5	10	35	—
Толдиқўрғон области	100	8	31	51	10
Жанубий Қозоғистон области	190	20	70	80	20
Тожикистон ССР	210	21	74	74	41
шу жумладан:					
Сталинобод области	142	14	50	50	28
Ленинобод области	48	5	17	17	9
Кўлоб области	20	2	7	7	4
Туркманистон ССР	350	30	75	150	95
шу жумладан:					
Ашхабод области	47	5	10	20	12
Мари области	76	10	20	36	10
Чоржўй области	88	5	15	39	29
Тошовуз области	139	10	30	55	44
Қирғизистон ССР	507	50	149	199	109
шу жумладан:					
Ўш области	93	9	27	36	21
Фрунзе области	171	17	51	68	35
Жалолобод области	68	7	20	27	14
Талас области	73	7	21	28	17
Иссиқкўл области	77	8	23	30	16
Тянь-Шань области	25	2	7	10	6
Озарбайжон ССР	450	25	100	192	133
шу жумладан, район группалари бўйича:					
Кировобод—Қозоқ	45	3	12	15	15
Мильск—Қорабоғ	102	3	26	33	40
Муғон	118	14	24	45	35
Ширвон	75	2	10	45	18
Нуха-Закатал	20	—	3	9	8
Куба-Хачмас	66	3	18	30	15
Линкоран	5	—	1	2	2
Нахичеван	19	—	6	13	—
Украина ССР	40	9,7	22,5	7,8	—
Арманистон ССР	150	20	58	72	—
Грузия ССР	200	20	70	110	—
Молдавия ССР	5	2	3	—	—
РСФСР	325,7	4,7	90,9	139,8	90,3
Шу жумладан:					
Воронеж области	23,3	—	2,0	7,5	13,8
Курск области	20,0	—	10,0	10,0	—
Тамбов области	16,3	—	3,0	8,0	5,3
Орёл области	17,5	—	1,5	6,0	10,0
Ставрополь ўлкаси	15,4	—	6,2	9,2	—
Краснодар ўлкаси	10,0	—	3,0	5,0	2,0
Грозний области	30,0	2,0	13,0	9,0	6,0
Доғистон АССР	58,9	—	10,0	30,0	18,9
Крим области	8,0	—	3,0	3,5	1,5
Чкалов области	8,8	1,0	3,5	3,3	1,0
Куйбишев области	6,7	—	1,4	3,0	2,3
Саратов области	14,7	—	3,0	8,0	3,7
Сталинград области	9,0	0,2	4,0	3,0	1,8
Астрахань области	12,5	0,5	2,7	4,3	5,0
Ростов области	6,0	—	2,0	3,0	1,0
Шимолий Осетия АССР	3,0	—	1,5	1,0	0,5
Кабарда АССР	15,7	—	3,3	7,4	5,0
Бурят-Мўғулистон АССР	8,0	—	2,0	3,0	3,0
Тува автоном области	10,0	—	5,0	3,0	2,0
Олтой ўлкаси	8,5	—	1,3	4,6	2,6
Красноярск ўлкаси (Хаккас автоном области)	15,0	1,0	6,0	5,0	3,0
Челябинск области	1,8	—	0,5	1,0	0,3
Чита области	6,6	—	3,0	2,0	1,6

3. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Пахтачилик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига область, ўлка партия комитетларига ва иттифоқчи республикалар коммунистлар партияларининг Марказий Комитетларига, область ижроия комитетларига, ўлка ижроия комитетларига ва республикаларнинг Министрлар Советларига суғориш тормоғини қайтадан қуриш ва янги суғориш системасига ўтиш ишлари давлат планининг ушбу қарорда белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини та'минлаш мажбурияти юклансин, бу тадбирни суғориладиган ерлардан тўла фойдаланишда, қишлоқ ишларини машиналаштиришни яхшилашда ва суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини оширишда энг муҳим хўжалик-сиёсий вазифа деб ҳисоблансин.

4. 1951 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг йиллик планларида суғориладиган ерларни кўпайтиришни ҳисобга олиш ва суғориладиган деҳқончилик районларидаги колхоз ва совхозлар учун суғоришнинг янги системасига ўтилиши муносабати блан экин майдонларини кўпайтириш ҳамда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини ошириш юзасидан топшириқлар белгилаш зарур деб ҳисоблансин.

5. СССР Пахтачилик министрлигига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига СССР Совхозлар министрлигига, республикаларнинг Министрлар Советларига, область ва ўлка ижроия комитетларига доимий ариқлар ўрнига муваққат ариқлардан фойдаланиладиган янги суғориш системасига ўтиш вақтида қуйидагиларга амал қилиш мажбурияти юклансин:

а) суғориладиган ерларга дон экинлари экиладиган сувли деҳқончилик районларида суғориш участкаларининг катталиги 40—60 гектар ва ундан ҳам кўп бўлиши лозим;

б) суғориладиган ерларга пахта экадиган районларда суғориш участкаларининг катталиги 20—40 гектар ва ундан кўп бўлиши, доимий ариқлар бўйида дарахтлар кўп бўлган, ернинг сатҳи мураккаб ва зовур тормоғи кўп бўлган ерларда суғориш участкаларининг катталиги 10—20 гектаргача бўлиши мумкин;

в) Ўзбекистон ССР нинг Фарғона областидаги ва Тожикистон ССРнинг Ленинобод областидаги районларда, Озарбайжон ССРнинг Ширвон группасидаги бирқанча колхозларда тут дарахтлари айниқса кўп бўлганлиги сабабли истисно тариқасида суғориш участкаларининг катталиги камида беш гектар бўлишига йўл қўйилсин;

г) суғориш участкалари доимий ариқларни ва уватларни йўқотиш, йириклаштирилган суғориш участкаларини текислаш, колхоз еридаги суғориш тормоғини яхшилаш—ариқларни тўғрилаш, уларда сув оқишини тезлатиш ва гидротехник иншоотлар қуриш йўли блан, суғориш участкаларини йириклаштиришга боғлиқ зовур—коллектор тормоғини қайтадан қуриш, сув чиқарадиган стандарт иншоотлар қуриш йўли блан колхозлардаги сув чиқарадиган жойларни шлюзлаш йўли блан йириклаштирилсин.

6. Машина-трактор станцияларига, ихота дарахтзорлари ва машина-мелиорация станцияларига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

а) доимий ариқларни кўмиш ва қайтадан очиш ишларини машина блан ўтказиш, суғориш участкаларини йириклаш вақтида ерларни текислаш ва янги суғориш системасига ўтиш муносабати блан дарахтларни кўчириб ўтқазиш ишларини машина блан бажариш;

б) ерни машина блан ишлаш ва ҳосилни йиғиб-териб олишни машина блан ўтказиш талабларига қараб муваққат ариқлар очиш ва уларни кўмиш юзасидан бўладиган ишларни машина блан бажариш.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Пахтачилик министрлигига ва СССР Совхозлар министрлигига бу ишларни машина-трактор станциялари, иҳота дарахтзорлари, машина-мелиорация станциялари ва совхозларнинг ишлабчиқариш планларида кўзда тутиш топширилсин.

7. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ва СССР Пахтачилик министрлигига қуйидаги мажбуриятлар юклансин:

а) 1950—1951 йилларда машина-трактор станциялари, иҳота дарахтзорлари ва машина-мелиорация станциялари суғориш тормоғини қайта қуриш ишларини бажариш учун экскаваторлар, бульдозерлар, грейдерлар, скреперлар, ариқ қазийдиган плугли машиналар блан ҳамда дарахтларни кўчириб ўтқазиш учун автокранлар блан та'минлансин;

б) муваққат ариқлар очиш ва уларни кўмиш ишларини бажарадиган машина-трактор станциялари, иҳота дарахтзорлари станциялари ва машина-мелиорация станциялари 1950—1951 йилларда ариқ қазийдиган, ер текислайдиган, ариқ очиш, ариқларни кўмиш ва далаларни текислаш учун етарли иш органлари бўлган осма машиналар блан, муваққат ариқларни очиш ва кўмиш учун етарли иш органлари бўлган тиркалма машиналар блан, муваққат ариқлар очиш, уларни кўмиш ва далаларни текислаш учун етарли иш органлари бўлган ва СТЗ—НАТИ тракторига тиркаб ишлатиладиган универсал машиналар блан та'минлансин.

8. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Пахтачилик министрлигига ва СССР Совхозлар министрлигига 1950—1951 йилларда машина-трактор станциялари ва совхозларнинг вақтинча ариқлар олиш ва уларни кўмиш ишларини бажаришлари учун республикаларга қуйидаги машиналар ҳамда механизмларни ажратиш мажбурияти юклатилсин:

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Суғориладиган ерлардан тўла фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик ишларини машиналаштиришни яхшилаш мақсадида янги суғориш системасига ўтиш тўғрисида

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

	Арық қазийдиган осма машиналар		Тиркаладиган арық қазиш машиналари		Универсал арық қазиш машиналари
	1950 йилда	1951 йилда	1950 йилда	1951 йилда	1951 йилда
Жам'и шу жумладан:	2.500	11.000	300	8.000	3.000
Ўзбекистон ССР	1.000	4.330	110	3.090	1.165
Қозоғистон ССР	300	1.400	40	1.060	380
Қирғизистон ССР	325	1.575	40	1.160	440
Туркманистон ССР	200	800	20	580	220
Тожикистон ССР	100	500	15	345	130
Озарбайжон ССР	240	1.060	30	770	290
РСФСР	200	800	20	580	220
Украина ССР	40	160	5	125	40
Грузия ССР	30	120	5	95	40
Арманистон ССР	60	240	10	190	70
Молдавия ССР	5	15	5	5	5

9. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига ва Қурилиш ҳамда йўл машинасозлиги министрлигига 1950 ва 1951 йилларда СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Пахтачилик министрлиги ва СССР Совхозлар министрлиги етказиб бериш мажбурияти юклатилсин:

	Жам'и	Шу жумладан	
		1950 йилда	1951 йилда
Арық қазийдиган осма машиналар	13.500	2.500	11.000
Тиркаладиган арық қазиш машиналари	8.300	300	8.000
Арық қазийдиган универсал машиналар	3.000	—	3.000

10. Суғориш тармоғини қайтадан қуриш ва янги суғориш системасига ўтиш ишларига техника раҳбарлигини таъминлаш мақсадида СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Пахтачилик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига, область ўлка партия комитетларига, иттифоқчи республикалар компартияларининг марказий комитетларига, область ижроия комитетлари, ўлка ижроия комитетларига ва Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон ССР, Озарбайжон ССР, Украина ССР, РСФСР, Грузия ССР, Арманистон ССР, Молдавия ССР Министрлар Советларига қуйидагиларни таъминлаш мажбурияти юклатилсин:

а) 1950 йилда область, ўлка ва республика марказларидаги сув хўжаликлари ҳузурида бир ойлик курслар ташкил қилиниб, бу курсларда суғориш тармоғини қайта қуриш ва янги суғориш системасида суғоришни ўтказиш юзасидан ишлаш учун суғориш тармоғини қайтадан қуриш бўйича топшириқ берилган ҳарбир колхозга бир инструктор ҳисобидан инструкторлар тайёрлансин. Инструкторлар курсида ўқиш учун суғоришда ишловчи колхозчилар, дастлаввал колхоз миробларидан юборилсин.

Колхозларга инструкторлар тайёрлайдиган курсларда ўқиш учун юборилган колхозчиларга курсда бўлган вақтлари ва кейинчалик суғориш тармоғини қайтадан қуришга раҳбарлик қилишда ишлаган вақтлари учун колхоз миробларидан сифатида меҳнат кунлари ёзиш тавсия қилинсин;

б) машина-трактор станциялари, ихота дарахтзорлари станциялари ва машина-мелиорация станциялари учун бир ойлик курсларда ҳар станцияга бир инструктор ҳисобидан трактор бригадаларининг бошлиқлари орасидан янги суғориш системасига кўчиш билан боғлиқ ишларни машиналаштириш соҳасида ишловчи инструкторлар тайёрлансин. Курсларнинг харажатлари мазкур министрликларда курс тадбирлари учун ажратилган маблағлардан тўлансин;

в) янги суғориш системасига боғлиқ лойиҳалаш-қидириш ишлари ва қурилиш ишларини олиб бориш учун сув хўжаликлари ҳузуридаги икки ойлик курсларда сув хўжалиги ташкилотларининг инженер-техник ходимлари тайёрлансин;

г) суғориш тармоғини қайтадан қуриш ва янги суғориш системасига доир дала ишларини ўтказиш учун район қишлоқ хўжалик ва пахтачилик бўлимларининг, МТС ва совхозларнинг старший механиклари, ер тузувчилари ва агрономлари икки ҳафталик курсларда қайтадан тайёрлансин.

11. СССР Пахтачилик министрлигига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ва СССР Совхозлар министрлигига янги суғориш системасига ўтиш муносабати билан суғориш тармоғини қайтадан қуриш соҳасидаги лойиҳалаш — қидириш ишларининг ўз вақтида ўтказилишини, шунингдек бу ишларга техника жиҳатидан раҳбарлик қилишни таъминлаш мажбурияти юклатилсин.

12. Мавжуд суғориш системаларида колхозлар еридаги ариқларни қайтадан қуриш юзасидан бўладиган лойиҳалаш—қидириш ишларининг ҳақи ва техника раҳбарлиги учун бўладиган чиқимлар давлат бюджетига ўтказилсин.

Янги суғориш системасига кўчган вақтда суғориш шохобчасини қайтадан қуриш юзасидан бўладиган қурилиш ишлари ҳақининг 40 процентги давлат ҳисобидан (сувдан фойдаланганлик учун давлат бюджетига олинадиган маблағлар ҳам шунга киради) ва 60 процентги колхозлар ҳисобидан тўлансин.

13. Ариқлар бўйидаги тут ва мева дарахтлари доимий ариқларни вақтинча ариқлар билан алмаштириш ишларини ўтказишга тўсқинлик қилиши мумкинлигини, бу дарахтларни, айниқса тут дарахтларини заруратсиз кесиб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлмаганлигини эътиборга олиб, суғориш тармоқларини қайтадан қуриш ишларини ўтказиш вақтида қуйидагиларга амал қилинсин:

а) пиллачиликнинг барг базаси камайтирилишига йўл қўйилмасин; тут дарахтларининг сербарг бўлиши учун зарур чоралар кўрилсин, шунингдек 1950 йил куз фаслидан бошлаб кейинчалик баланд танали қилиб ўстириладиган тут кўчатлари ўтказиш кенг йўлга қўйилсин.

Маҳаллий совет ва қишлоқ хўжалик органлари оғоҳлантирилсинки, доимий ариқларнинг вақтинча ариқлар билан алмаштирилиши пилланинг ялпи ҳосили юзасидан белгиланган планнинг камайишига сабаб бўлмасин;

б) ёшига қараб кўчириб ўтказиш мумкин бўлган тут дарахтлари шу мақсадда ажратилган суғориладиган махсус участкаларга (тутзорларга), шунингдек доимий ариқ ва йўл бўйларига кўчириб ўтказилсин, уларнинг тутиб қолиши ва барг беришини таъминлаш учун зарур чоралар кўрилсин;

в) экинлар кучли шамол ва гаримселдан зарарланадиган районларда айни бир вақтда ихота дарахтзори аҳамиятига эга бўлган тут дарахтлари кўпчилиги тут дарахтларидан иборат ихота дарахтзорлари барпо этилмагунча кесилмаслиги керак, йўл бўйларида ўсган тут дарахтлари ҳам кесилмайди;

г) йириклаштирилган участкалар ичидаги тут дарахтлари ариқлар қайтадан қурилган вақтда сийраклантирилсин, ғўзаларни машина билан ишлашга тўсқинлик қилмайдиган тут дарахтлари дастлабки уч йил ичида ўз жойида қолдирилсин;

д) тут дарахтлари вақтинча ариқлар билан алмаштириладиган доимий ариқлар бўйида ўсиб турган бўлса, ёши ёки барги жиҳатидан аҳамиятга эга бўлмаса ва шунинг учун кўчириб ўтказиш мувофиқ деб топилмаса, бу тут дарахтларини ҳарбирини айрим ҳолда район ижроия комитетининг рухсати билан кесилиши мумкин, шу билан бирга кесилган ҳарбир тун тут дарахти эвазига дастлаб камида 10 та тут кўчати ўтказилиши керак.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИ ШАРАФИГА

Фидокорона меҳнат самараси

Марғилон ипак комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари стахановча тинчлик вахтасида туриб, Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси шарафига социалистик мусобақани кучай, тириб юбордилар.

1-нчи пиллакашлик цехининг коллективи юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, хомашёни камида 10 процент тежаш мажбуриятини олди.

А'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашаётган комсомол-ёшлар бригадаларининг сони кун сайин ўсиб бормоқда.

Цех коллективи Октябрь революциясининг 33 йиллиги шарафига олган мажбуриятларини июль ойида 103 процент бажариб, 97,7 процент биринчи ва иккинчи сорт маҳсулот ишлаб чиқарди. Ўртоқ Абдураҳимов бошлиқ 8-нчи комсомол-ёшлар бригадасидан Ғаниев ва Нўғабоев ўртоқлар июль ойи планини 112,5 процент бажариб, 75 процент биринчи сорт ва 25 процент иккинчи сорт маҳсулот ишлаб чиқардилар ҳамда 10 процент хомашёни тежадилар.

Июль ойи планини 115 процентдан ошириб бажарган Зокиров, Азимов, Андреева, Фозилов, Ибраева ўртоқларнинг бригадалари мусобақада олдинда бораётирлар.

А. НАЗАРОВ.

ПАХТА ПУНКТЛАРИ МАВСУМГА ТАЙЁР

Наманган область, Чортоқ район пахта тайёрлаш пунктида пахта омборлари муддатидан илгари ремонтдан чиқарилди, ремонт ишлари социалистик мусобақа асосида ўтди. Пунктда бирнеча янги бунт қилинди. Енгинга қарши кураш асбоблари тайёрлаб қўйилди. Иккита автотарози ремонтдан чиқарилди. 100 та брезент ҳозирлаб қўйилди. Хизматчилар учун ташкил этилган ётоқхона ремонт қилиниб, жиҳозлантирилди. Пункт ҳузурида очилган курсда Сталин номли, «Социализм», Молотов номли ва бошқа илғор колхозлардан келган лаборантлар пахтани сортларга ажратишни ўрганмоқдалар. Яқинда районда янги пахта пункти қурилабошлади. Бу пунктга 3.000 тонна пахта жойланади. Янги пункт атрофи девор билан ўралди ва у ерга автотарози ўрнатилди.

З. КУРТНАЗАРОВ.

Ўзбекистонда пиллачиликни янада юксалтирайлик

А. МАВЛОНОВ
Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси

Республикамиз Ўзбекистон ССР Олий Советн сессиясининг очилиш кунидек муҳим воқеани меҳнат соҳасида янги ғалабалар билан кутиб олаётир. 17 августда Ўзбекистон пилла тайёрлаш давлат планининг бажарилгани ҳақида рапорт берди. Такрорий қурт боқишдан давлатга пилла топшириш давом этмоқда.

Ўзбекистонда пилла тайёрлаш давлат плани совет халқининг сиёсий активлиги ва меҳнат соҳасидаги ғайрат-шижоати гоят ошган кунларда. Стокгольм Мурожаатига совет халқи яқдиллик билан қўл қўйганлиги ҳақидаги ахборот, бутун жаҳонда тинчлик тарафдорлари ҳаракати муттасил ошиб бораётганлиги тўғрисидаги хабарлар эътибор қилинган кунларда бажарилди. Ўзбекистон меҳнаткашлари тинчлик ҳужжатига яқчил бўлиб ўз имзоларини қўйиш билан хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар, сергели Ватанлари, бутун жаҳонда тинчлик посбони — Совет Иттифоқининг қудратини мустаҳкамлашдалар. Бутун халқнинг ватанпарварлик туйғуси билан тўлиб-тошган ана шу умумий интилиш республикамиз пиллачилари қозонган ғалабада ҳам ўз ифодасини топди.

I.

Пилла саноатимиз учун қимматли хомашёдир. Мамлакатимизга кўп миқдорда ипак керак. Совет халқининг моддий аҳволи тобора яхшиланган сари ипакли буюмлар ва ашёларга аҳолининг талаби яна ҳам ошмоқда. Аҳолининг бу талаби тамомила қондирилиши керак. Халқнинг маиший ва маданий эҳтиёжларини қондириш йўлида хизмат қилаётган медицина, авиация, электротехника, озиқ-овқат саноати ва халқ хўжалигининг бошқа энг муҳим тармоқлари ҳам тобора кўп хом ипак талаб қилмоқдалар.

Ўзбекистон — Совет Иттифоқининг ипак етказиб беручи асосий базасидир. Шу сабабли мамлакатимизнинг хом ипакка бўлган ва тобора ошиб бораётган талабини қондириш йўлида Ўзбекистоннинг партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, барча пиллачилари зиммасига нақадар зўр масъулият юкланганлиги ўз-ўзидан равшан. Пахта етиштириш билан бирга пилла ҳосилини ҳартарафлама ошириш, ипак қуртидан олинадиган ялпи пилла ҳосилини кўпайтириш—ўзбек халқи олдида турган энг муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга вазифадир.

Большевиклар партияси, совет ҳукумати ва шахсан ўртоқ Сталин пиллачиликни янада ривожлантириш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилмоқдалар. Қуртхоналарни ускуналаш, қурт боқиш бинолари қуриш, тут дарахтларини кўпайтириш соҳасида колхозларга катта имконият яратиб берилмоқда, уларга агрономия соҳасида жиддий ёрдам кўрсатилмоқда. Давлат нав'ли пиллани сотиб олиш нархини анча оширди. Бунинг натижасида пиллачилик билан шуғулланувчи колхозларнинг даромади қат'иян кўтарилди. Шуни айтиш кифоя-ки, 1950 йилда Ўзбекистон колхозларининг пиллачиликдан олган даромадлари 125 миллион сўм ошди.

Пиллачиларнинг фидокорона меҳнати шон-шараф ва ҳурматга сазовор бўлмоқда. СССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, пилладан юқори ҳосил етиштирганликлари учун колхозчилар, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишловчи район ходимлари ва бошқа ходимларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди ва улар орден ҳамда медальлар билан мукофотланади.

Ўзбекистон колхозлари урушдан кейинги йилларда, хусусан сўнгги уч йил мобайнида давлат томонидан берилаётган ёрдам туфайли пиллачиликни анчагина ривожлантирдилар, ялпи пилла ҳосилини муттасил оширмоқдалар. 1950 йилда олинган ялпи пилла ҳосили урушдан аввалги даражага нисбатан 27,2 процент ошди. Шу вақт ичида ҳар қути уруғдан олинган ўртача пилла ҳосили 27,5 процент кўпайди.

Ма'лумки, бу йил пиллачилар учун оғир йил бўлди. Кўкламда юз берган қурғоқчилик туфайли тут дарахтлари кеч барг чиқарди. Бунинг натижасида қуртларни барг билан та'минлашда қийинчиликка дуч келинди. Аммо колхозчилар партия, совет ташкилотларининг раҳбарлиги ва мутахассисларнинг ёрдами билан жойларда бу қийинчиликларни бартараф қилдилар. Ўзбекистонда ялпи пилла ҳосили кўп бўлишини та'миладилар. 1950 йилда кўкламги қурт боқишда вақтида тайёрланган пилланинг сифати анчагина яхши бўлди.

Бу йил Тошкент областининг колхозлари ва колхозчилари пилладан энг юқори ҳосил етиштирдилар. Область ҳар қути қурт уруғидан ўрта ҳисоб билан 54.1 килограмм пилла тайёрлади. Наманган областида ҳар қути уруғдан олинган пилла ҳосили 51,8 килограммни, Хоразм областида 51 килограммни ташкил этди. Ўзбекистонда пиллачилик соҳасида асосий область ҳисобланган Фарғона области ўтган йили эришган муваффақиятини мустаҳкамлаб қолди ва бу йил планни 103.2 процент бажарди.

Қурт уруғи заводларининг наслли уруғлардан қурт боқиладиган участкаларидаги колхозлар ҳар қути уруғдан 70 килограмм ва ундан ошириб юқори пилла ҳосили олдилар. Масалан, Самарқанд наслдор қурт уруғи станцияси зонасидаги санкиз колхоз ҳар қути уруғдан ўрта ҳисоб билан 86 килограммдан пилла топширди. Давлат пиллачилик совхозлари рекорд ҳосил етиштирдилар. Улар ҳар қути уруғдан 90,6 килограммдан пилла топширдилар.

Кўпгина районларнинг пиллачилик соҳасида муваффақиятга эришганликларини та'кидлаб ўтиш керак. Тошкент қишлоқ, Қорасув ва Янгийўл районлари ўрта ҳисоб билан ҳар қути уруғдан 60 килограммдан ошириб ҳосил олдилар. Калинин райони 69.6 килограмм, Чуст райони 57,9, Учқўрғон райони 54,5, Пастдарғом райони 55,5, Ургут райони 53 килограммдан пилла етиштирдилар.

Хоразм областидаги 9 райондан 7 таси ўрта ҳисоб билан 50 килограммдан ошириб ҳосил олди. Қўшкўпир райони эса, 53,7 килограммдан пилла етиштирди.

Юзларча колхозлар чинакам стахановча ишлаб, ажойиб муваффақият қозондилар. Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхоз (правление раиси Ўртоқ Абдулла Раҳмонов) пиллачилик билан шуғулланучи йирик колхозлардан бири ҳисобланади. Бу колхоз 435 қути қурт уруғи боқиб, ҳар қути уруғдан 64.4 килограммдан ҳосил олди. Тошлоқ районидаги Юсупов номли колхоз (правление раиси Ўртоқ Тошбоев) 408 қути қурт уруғи боқиб, ҳар қути уруғдан 56,2 килограммдан ҳосил етиштирди. Янгийўл районидаги «Авангард» колхози (правление раиси Ўртоқ Мусаев) пилла топшириш планини 133.9 процент бажарди. Бу колхоз кўкламги қурт боқишда ҳар қути уруғдан 81,7 килограмм ва такрорий қурт боқишда ҳар қути уруғдан 50 килограммдан пилла олди. Урганч районидаги «Оқолтин» колхози (правление раиси Ўртоқ Йўлдошев) ўрта ҳисоб билан 103,2 килограммдан, Китоб районидаги Оқунбобоев номли колхоз эса, (правление раиси Ўртоқ Бобомуродов) 104,1 килограммдан пилла олди.

Кўпгина колхоз пиллачилари илғор тажриба ва фан асосида қурт боқиш техникасини такомиллаштира бориб, ажойиб натижаларга эришдилар. Тўрақўрғон районидаги «Коминтерн» колхозининг Тошқиной Тўраева бошлиқ звеноси бу йил уч қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 111,4 килограммдан пилла топширди. Учқўрғон районидаги Сталин номли колхознинг А. Холбоева бошлиқ звеноси ҳар қути қурт уруғидан 109 килограммдан пилла олди. Ўртачирчиқ районидаги Жданов номли колхознинг ўртоқ Ҳабиба Юсупова бошлиқ звеноси уч қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 102,8 килограммдан пилла топширди.

Ўз ишининг техникасини тўла эгаллаган бундай кишилар биздa юзлаб ва минглаб топилади. Бундай кишилар деярлик ҳарбир районда бор. Пиллачилик устaларининг кўплаб етишиши Ўзбекистон партия ташкилоти томонидан олиб борилган икобий ишлардан бирининг натижасидир. 1950 йилда илғор пиллачиларнинг сафи анчагина кенгайди. Рометон районидаги «Ўзбекистон ССР 25 йиллиги» колхозининг донгдор қурт боқувчиси Ҳурмат Тешаева пиллачилик усталари ўртасидан алоҳида ўрин олди.

Ўртоқ Тешаева чинакам новатор ҳисобланади. У қурт боқиш даврини қисқартириш, агротехниканинг янги усулларини дадиллик билан татбиқ қилиш, қурт боқиладиган хонада ҳароратдаражасини ошириш, намликни камайтириш ва қуртларга тез-тез барг беришдан иборат муҳим масалаларни муваффақият билан ҳал этди.

Бу йил колхозларда қурт боқиш ишни янада такомиллаштирилди, пиллачи мутахассисларнинг ёрдами билан фан ютуқлари амалга татбиқ қилиб борилди. Бу эса пиллачиларнинг муваффақият қозонишига сабаб бўлган иккинчи муҳим шартдир. Эндиликда колхозларда кўпинча қурт уруғи жамоат биноларида боқилмоқда, барг тайёрлаш, дастa ҳозирлаш ва пиллачиликда қўлланиладиган бошқа иш жараёнлари, шунингдек тут дарахтларини дорилаш ишлари машиналаштирилмоқда. Кўп колхозларда тут дарахтлари ишлабчиқариш бригадаларига биркитиб қўйилган. Бригадалар дарахтларнинг барглидан фойдаланганликлари ва дарахтларнинг шикаст-рихтисз ўсиши, қурт боқиш ва пилла топшириш планининг бажарилиши учун жавобгар қилиб қўйилган эмас.

Илмий муассасаларнинг, «Ўзбекшелктрест» системасидаги мутахассисларнинг колхозчилар билан, мўл ҳосил ғаталари билан яхши алоқа қилмасликлари, илғорлар тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва кенгайтириш ишларининг қониқарсиз боришн пиллачилик соҳасидаги ишимизда жиддий нуқсондир.

Ана шу нуқсон ва камчиликлар бирқанча район ва областларда пиллачиликнинг ривожланишига халақит бермоқда, қурт боқишни кўпайтириш, пилла ҳосилини ошириш, пиллачиликни колхоз ишлабчиқаришининг энг илғор ва энг даромадли бир соҳасига айлантиришга ғов бўлмоқда. Бу нуқсонларга тез ўртада барҳам бермай туриб, илгарига қараб қадам ташлаб бўлмайди. Кўпгина район ва областлар, юзларча колхозлар бу йилги қийин шароитларда пилладан юқори ҳосил етиштирдилар ва бутун республикамизнинг муваффақият қозонишини та'миладилар. Бу илғорларнинг муваффақият қозонишига даставвал шу нарса сабабки, бу ерларда пиллачилик ишларини уюштиришда ери мавжуд камчиликларга барҳам бердилар, кенг колхозчилар оммасини олдимизга қўйилган вазифаларни бажариш сари сафарбар этдилар.

II.

Большевиклар партияси, совет ҳукумати ва шахсан ўртоқ Сталин мамлакатимиз пиллачилари олдига, шу жумладан Ўзбекистон пиллачилари олдига совет пиллачилигини янада зўр бериб юксалтириш, мамлакатимизнинг хом ипакка бўлган талабини тамомила қондиришдан иборат ғоят катта вазифа қўйдилар. Ўзбекистонда яқин беш йил мобайнида етиштириладиган ялпи пилла ҳосили 1950 йилга нисбатан қарийб учдан икки қисм миқдорида кўпайиши, яқин ўн йил ичида эса, деярлик уч марта ортиши керак. Бу вақт ичида пилла нав'лари анча яхшиланиши лозим.

Бундай ғоят катта вазифани бажариш учун партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, «Ўзбекшелктрест» системасининг ходимлари ўз ишларини тубдан қайта қуришлари, пиллачиликнинг янги моддий техника базасини вужудга келтиришлари керак.

Равшанки, ишни келгуси йилда пилладан юқори ҳосил етиштирилишини та'минлайдиган вазифаларни бажаришдан бошламоқ керак. Бу вазифалар кечиктириб бўлмайдиган ва ниҳоят масъулиятли вазифалардир.

Еппасига пахта йиғим-терим даври бешдан-ўнга ҳозирнинг ўзидаёқ тут дарахти уруғи экилиб, ташлаб қўйилган тутзорларни парвариш қилишга киришиш, бундай ерларни трактор билан юқори сифатли қилиб ишлаш керак. Доимий ариқлардан узоқда бўлган ва тут дарахти уруғи экилган майдонларни ҳам, баланд танали тут кўчати ўтқазилган ерларни ҳам шу кунларда суғориш, тутзорларни яхши кўриклаш керак. 1950 йил кузида 9,5 миллиондан ортиқроқ баланд танали тут кўчати ўтқазиш, янгидан юзларча гектар ерларни кўчатзор қилиш мўлжалланади. Ишга ўз вақтида ва тўла-тўкис тайёрлик кўрилган тақдирдагина бу вазифаларни муваффақият билан амалга ошириш мумкин.

Шу билан бирга пиллачиликни юксалтириш соҳасидаги асосий вазифаларни план билан ҳал қилиб бориш керак.

Республикамиздаги жуда кўп колхозлар йириклаштирилмоқда. Бу чора натижасида пиллачиликни юксалтириш учун янгидан қулай шароит вужудга келади. Йириклаштирилган колхозларда қурт боқиладиган яхши бинолар қуриш, бу бинoларга яқин ерларда тутзорлар вужудга келтириш, пиллачилик ишларини машиналаштириш, пиллачи мутахассисларга эга бўлиш ва ҳоказолар учун ҳамма шароит яратиб берилади. Тажриба шуни кўрсатадики, йирик колхозлар бошқа соҳалар сингари пиллачилик ривожланишида ҳам олдинда бормоқдалар. Юқорида номлари айтилган ва бошқа кўпгина мўл ҳосил етиштируви колхозлар ҳам худди шундай йирик колхозлардир.

Аммо колхозларнинг йириклаштирилиши билан иш ўз-ўзидан бораверади деб ўйлаш хато бўлур эди. Аксинча, йирик колхозлар хўжаликининг ҳарбир соҳасига яна ҳам яхши раҳбарлик қилишни талаб этади. Ўз ишини яхши эгаллаб олган тажрибали раҳбарларгина пиллачиликни жамоат усулида тўғри олиб борадилар, илғор агротехника фанининг янги муваффақиятлари ва илғорлар тажрибасини татбиқ этадилар, пиллачиликни хўжаликнинг бошқа соҳалари билан боғлаб олиб борадилар, қулай, маданий бинолар қурадилар, ишларни машиналаштирадилар ва электрлаштирадилар. Шу сабабли ҳозирги куннинг энг асосий талабларидан бири шуки, колхоз раислари пиллачиликнинг илғор усулларини эгаллаб олсинлар, пиллачиликнинг экономикасига доир масалаларни чуқур билиб олсинлар, токи улар қурт боқиш ва тутчилик агротехникаси ва қурт боқиш ишларини уюштириш масалаларини илғор колхоз раҳбарлари пахтачилик агротехникаси ва пахтачилик ишини уюштириш масалаларини билганларидек билиб олсинлар.

Аммо бунинг ўзи ҳам кифоя қилмайди. Ма'лумки, ба'зи колхозларда қурт боқиш ишн билан тажрибасиз, кўпинча саводсиз кишилар шуғулланади. Қурт боқиш учун колхозчиларни тасодифий равишда танлаш фактлари рўй беради. Аҳвол шундай бўлгач, бундай колхозларда қурт боқиш иши жуда суст ривожланаётганлигига, пилла ҳосили секин ошаётганлигига ажабланиб бўлмайди. Пиллачиликни зўр бериб ривожлантиришдан иборат олдимизга қўйилган вазифани амалга ошириш учун даставвал қурт боқувчи колхозчиларни қўлдан назарий ва амалий жиҳатдан ўқитиш иши билан жиддий равишда шуғулланиш керак. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Ўзбекшелктрест» колхозчи пиллачиларни тайёрлайдиган ва қайта тайёрлайдиган бир талай курсларни ташкил қилишга киришмоқлари керак, фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини пропаганда қилиш ва оммя ўртасида ёйиш ишини чиндан ҳам большевикча суръат билан кенг миқёсда уюштиришлари зарур.

Бизда ҳозирча пиллачилик агрономлари ва пиллачилик агротехниклари кам. Бундай агрономларнинг сафи тобора кўпайиб бориши керак. Шу сабабли, институтлар ҳузуридаги курсларда агрономларнинг малакасини ошириш билан бирқаторда олий ўқув юртлари ва техникумларда мутахассислар тайёрлаш ишини жиддий равишда яхшилаш керак. Қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларининг агрономия факультетларида ва қишлоқ хўжалик техникумларининг далачилик бўлимларида шу йилнинг ўзиданоқ ипакчилигининг умумий курсидан дарс берилабошланиши зарур.

Ипакчилик соҳасида ишловчи илмий-текшириш муассасалари ишлабчиқаришнинг амалий масалалари ва кундалик талаблари билан яқиндан шуғулланишлари, фан ютуқларини ва илғорларнинг ўрганилган тажрибасини кенг ёйишлари ва дадиллик билан амалда татбиқ этишлари зарур.

Қурт уруғининг мустаҳкам овқат базасини вужудга келтириш—пиллачиликни янада ривожлантириш соҳасидаги ҳал қилувчи вазифадир. Яқин йиллар ичида тутзорлар вужудга келтириш, баланд танали тут кўчатлари ўтказиш тўрт-беш марта кўпайтирилиши, тут дарахтлари уруғини экиш ва тут кўчати ўтказиш иши эса, етти-саккиз марта кўпайтирилиши лозим. Шу билан бирга мавжуд тут дарахтларини жадаллик билан сербарг тут дарахтлари билан, я'ни «Победа», «002», «Котлама», «САНИИШ» ва бошқа нав' тут дарахтлари билан алмаштириш, тез кўкарадиган тут дарахтлари нав'ларини кўпайтириш керак.

Қишлоқ хўжалик, ўрмончилик министрликлари, маҳаллий партия ва совет ташкилотлари тут дарахтларини кўпайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланишлари керак. Тут дарахтларини экинларни шамолдан ҳимоя қилувчи ўрмонзор дойраларда ҳам ўтказиш, каналлар атрофига, боғлар, токзорларнинг четига тут ўтказиш, колхозчилар, ишчи ва хизматчиларга томорқаларида тут кўчатлари ўтказишни тавсия этиш керак.

Пахтакор колхозларда суғориладиган ерларнинг йириклаштирилиши муносабати билан пиллачиликнинг овқат базаси жиддий равишда кўпайиб кетади. Далаларнинг йириклаштирилиши натижасида ишларни машиналаштириш учун кенг имконият очилади, социалистик пахтачиликни ривожлантиришда олға қараб катта қадам ташланади. Бу иш шу билан бирга дастлабки даврда пиллачилик ишини бирмунча қийинлаштиради, чунки жуда кўп миқдорда тут дарахтларини кичик далаларнинг ҳозирги атрофидан бошқа ерга кўчириш зарурлигини, хусусан келажакда йириклаштириладиган далаларнинг ўртаси ва четидаги тут дарахтларини ёки тутзорларни кўчириш зарурлигини ўртага қўяди.

Бу ғоят мас'улиятли ва муҳим ишдир. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари бу ишга э'тиборни андак бўлса ҳам сусайтирар эканлар, пиллачиликнинг овқат базасига катта путур етиши мумкин. Вазифа суғориладиган участкаларни йириклаштириш ишни пилла ҳосилини янада ошириш билан бирга боғлаб олиб борилсин.

Даставвал тут дарахтларини кўчириб ўтказиш, шунингдек тут дарахтлари оз бўлган далалардаги дарахтларни кўпориш керак. Бу иш суғориладиган ерларни тезроқ йириклаштириш мақсадида ўтказилади.

Шу вақт ичида ёппасига кўчат ўтказиш ишини уюштириш керак. Ишни шундай уюштириш керакки, кўпориб олинадиган ярамас дарахт ўрнига янгидан 10 та дарахт ўтказилсин. Бу ишда колхозлар ва пиллачиларнинг социалистик мусобақасини кучайтириш керак. Тут дарахтларини кўпайтириш ишига қишлоқдаги жамоатчиликни, комсомол ташкилотларини жалб этиш керак.

Шу билан бир вақтда колхозлар, совхозлар, партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, «Ўзбекшелктрест» системасининг ходимлари тутзорларга муносабатларини қат'иян ўзгартиришлари керак. Тутзорлар қурт-ларга барг етказиб беручи асосий манбалардан бири бўлиши керак. Янги тутзорлар вужудга келтириш ва мавжуд тутзорларни пухта парвариш қилиш — булар шундай муҳим тадбирларки, бу тадбирларни амалга ошириш натижасида кўпориб ташланиши лозим бўлган баъзи тут дарахтларининг ўрнини тўлатўкис қоплаш мумкин.

Тут дарахти кўчатларини кўчириб ўтқазиш — оғир меҳнат талаб қиладиган ва ғоят мас'улиятли ишдир. Бу иш ниҳоят сезгирликни талаб қилади. Аммо уни жадаллик билан амалга ошириш, суғориладиган экин майдонларини йириклаштириш ишини кейинга чўзмаслик керак. Биз Андижон, Тошкент, Фарғона ва бошқа областларда тут дарахти кўчатларини кўчириб ўтқазиш соҳасида бирталай тажриба ортдирганмиз. Кўп колхозлар бу ишни йил сайин план асосида олиб борадилар. Шундай колхозларнинг тажрибасини ўрганиш, якунлаш ва бошқа хўжаликларга ёйиш керак.

Тут дарахтларини парвариш қилишда агротехникага қат'ий риоя қилиш — агрономлар, колхоз раҳбарлари, бригада бошлиқлари ва барча пиллачиларнинг энг муҳим вазифасидир. Биз тут дарахтларини ўз вақтида парвариш қилиш, суғориш, ўғитлаш, зарарли ҳашаротлардан сақлаш ишларини ҳамма ерда ёппасига амалга оширабошлашимиз керак. Тут дарахтларига ҳам мевали дарахтлар, ёки токлар сингари кўпроқ э'тибор берилиши керак. Шундай қилган тақдирдагина тут дарахтлари баргининг ҳосилини икки марта ошириш мумкин. Яқин 2—3 йил мобайнида шундай қилиш талаб этилади.

Ўзбек халқи большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида, Совет давлати томонидан берилаётган катта ёрдам соясида қишлоқ хўжалигини юксалтиришдан иборат улуғвор вазифаларни ҳал қилабилди.

Сув учун бошланган умумхалқ курашини, улуғвор каналлар, сув омборлари қуриш соҳасида қилинган ишларни эсга олайлик. Шубҳа йўқки, ипакчиликни янада юксалтириш соҳасида олдимизда турган вазифалар ҳам ҳеч қандай қийинчилик кўп куч талаб қилмасин, тўла-тўкис амалга оширилади.

*

Ўзбекистонда пилла тайёрлаш давлат планининг бажарилиши ғоят қувончли воқеадир. Бу воқеа Ўзбекистон қишлоқларидаги меҳнаткашларнинг ишлабчиқариш соҳасидаги ғайрат ва шижоати жуда юксак эканлигидан дарак беради, уларнинг урушдан кейинги сталинча бешйилликнинг охирги йили учун белгиланган хўжалик вазифаларини муваффақиятли бажариш йўлидаги интилиши жуда зўр эканлигини билдиради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон олдида энг асосий ва энг мас'улиятли вазифа турибди. Бу — пахта йиғим-теримидир. Пахтакорлар, механизаторларнинг фидокорона меҳнати, давлат томонидан берилаётган ёрдамлар ҳамда партия ва совет ташкилотларининг ташкилотчилик роли ошганлиги туфайли далаларимизда мўлкўл пахта ҳосили етиштирилди. Йиғим-терим ишлари тўғри ўтказилган тақдирда, бу ҳосил пахта соҳасидаги социалистик мажбуриятимизни тўла бажаришимизни та'минлайди.

1950 йил пиллачилик соҳасида ўзгариш ясалган йил бўлди. Бу йил пиллачиликда муваффақиятга эришилди ва хўжаликнинг бу тармоғини янада юксалтириш учун янги истиқбол очилди. Ҳеч шубҳа йўқки, ҳал қилучи хўжалик тармоғи бўлмиш пахтачиликда ҳам бу йил шундай ўзгариш ясалади, шундай муваффақиятга эришилади, бундан ҳам кенг истиқбол очилади. Ўзбекистон меҳнаткашлари, большевиклари пахта соҳасидаги социалистик мажбуриятимизни тўла ва ошириб бажариш, Ватан олдидаги, большевиклар партияси, доҳиимиз ўртоқ Сталин олдидаги муқаддас бурчимизни адо этиш учун ҳам астойдил курашадилар.

Партия, ҳукумат қарори асосида пахта йиғим-теримига тайёргарликни кучайтирайлик!

Ғўза парваришини давом эттириб, ҳосилни йиғиб-териб олишга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар

Самарқанд қишлоқ районидаги уруғлик пахта экадиган Пушкин номли колхоз а'золари бу йил ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил етиштириш ҳақидаги мажбуриятларини тўла адо этиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Шу кунларда колхознинг пахта далаларида 400 дан ортиқ киши ғўзани чопиш, культивация қилиш ва суғоришда ишламоқда. Яхши ҳосил олмаган айрим участкаларнинг ғўзаси алоҳида парвариш қилинмоқда.

Пушкин номли колхозга яқинда Чапаев номли ва Федоров номли колхозлар бирлашди. Колхознинг пахта майдони 210 гектарга етди. Уч колхоз бирлашгандан кейин барча пахта далалари текшириб чиқилди. Колхозда 70 гектар ердаги ғўза ўсишдан орқада қолаётганлиги аниқланди. Колхоз правлениеси бу участкадаги ғўзани алоҳида парвариш қилиш учун қўшимча равишда 60 киши ажратиб, ҳозир юқори ҳосилли ғўзалар қаторига етказиб олди.

Колхознинг Содиқ Ҳасанов, Не'мат Ҳасанов, Собир Омонов бошлиқ бригадалари, Ғулом Раҳмонов, Тожи Ражабова бошлиқ звеноларидаги ғўзаларнинг ҳарбир тупида 25—30 тадан етилган кўсак бор. Айрим участкаларда пахталар очилабошлади. Лекин шунга қарамасдан, бу бригада, звеноларда калта дасталик кетманлар билан ғўзани чопиқ қилиш давом этмоқда.

Шу блан бирга колхоз правлениеси (раиси ўртоқ Ёқубов) ғўза парваришини бўшаштирмаган ҳолда ҳосилни йиғиб-териб олишга ҳам ҳартарафлама тайёргарлик кўрабошлади. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «1950 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни уюштириш тўғрисида» деб чиқарган қарори муҳокама қилингандан кейин шу қарор асосида йиғим-терим плани тузилди. Бу планга мувофиқ пахта теримида 420 киши ишлаши керак. Колхоз правлениеси теримчилари этак билан та'минлаш чоораларини кўраётир. Ҳозир теримчилар учун жадаллик билан этак тикилаётир.

15 бригада ва 29 звенода хирмон жойлари ажратилди. Шундан ҳозир 10 та хирмон жойи тайёрланди. Мавжуд сушилкаларнинг ҳаммаси ремонтдан чиқарилди ва ёқилғи тайёрланмоқда. Колхозда янгидан иккита сушилка қурилаётир. Махсус бригада йўл-кўприкларни ремонт қилишда ишламоқда. Пахта тайшиш учун бир автомашина, 12 та отарава, 14 та эшак аравадан иборат транспорт бригадаси тузилди. Аравада ишлатиладиган отлар яхшилаб боқилмоқда. Тош-тарозиларни ремонт қилиш ҳам тамом бўлди. Янгидан тўртта катта тароси сотиб олинди.

Теримда ишловчи колхозчиларга қулай иш шароити туғдириш учун тегишли тадбирлар кўрилмоқда. Ҳозир ишлаб турган учта ясли ва болалар боғчасидан ташқари яна иккита кўчма болалар боғчаси очилади. Дала шийпонларида маданий дам олиш учун зарур бўлган ҳамма нарсалар тайёрланмоқда. Умумий овқатланиш яхши ташкил этилади. Терим вақтида колхозчиларга камида ҳар ўн кунда бир марта аванс бериб туриш тадбирлари белгиланди.

Стахановчи теримчилардан Сора Алиева, Сома Султонова, Ҳадича Мухторова, Мастура Мелиевалар нинг ташаббуси билан колхозда 5—10 минг килограммчилар ҳаракати кучаймоқда. 60 га яқин колхозчи бу йилги мавсумда 5—7—10 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олди.

Колхозда уруғлик пахтани сортларга ажратиб теришга алоҳида э'тибор берилаётир. Пахтани сортларга ажратиб қабул қилиш, қоплаш ва пунктга жўнатиш учун бу ишни яхши биладиган колхозчилар ажратилди. Отбор сорт пахта терганлик учун меҳнат кундари 20 процент ортиқ тўланиши колхозчиларга тушунтирилмоқда.

Пушкин номли колхозда ҳозир 50 га яқин коммунист бор. Булардан 6 таси бригада бошлиғи, 9 таси звено бошлиғи, 16 таси оддий кетманчи бўлиб ишламоқда. Бригада ва звеноларнинг ҳаммасига коммунист ва комсомоллар бошчилик қилмоқда. Колхоз бошланғич партия ташкилоти (секретари ўртоқ Зияев) терим даври учун махсус иш плани тузди. Бу планда коммунистларнинг теримда етакчи бўлишлари, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ва маданий оқартув ишларини олиб бориш, социалистик мусобақани кучайтириш тадбирлари белгиланди. Ҳозир бошланғич партия ташкилоти колхозчиларга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг 1950 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни уюштириш тўғрисидаги қарорини, мўл ҳосил етиштирганлик учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш ва орден ҳамда медальлар билан мукофотлаш ҳақидаги СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини тушунтирмоқда.

Пушкин номли колхоз а'золари барча меҳнат имкониятларини сафарбар этиб, ғўза парваришини муваффақиятли тугаллаш, мўл ҳосилни нобуд қилмай йиғиб-териб олиб, сентябрь ойида планнинг 40 проценти миқдорида пахта топшириш ва йиллик планни 5 ноябрьгача бажаришга қарор қилдилар.

Ғ. АШУРОВ.

ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ 20 ОКТЯБРЬГАЧА БАЖАРИШ УЧУН

ФАРҒОНА. («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Олтиариқ районининг колхозчилари, тайёрлаш пунктлари, МТС ходимлари, бошланғич партия ва комсомол ташкилотлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «1950 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни уюштириш тўғрисида»ги қарорини қизғин муҳокама қилмоқдалар.

Эскиараб қишлоқ советидаги Молотов номли колхоз а'золарининг умумий йиғилишида қарор ўқиб чиқилгандан кейин қизғин музокара бошланди.

Колхоз раиси ўртоқ Тўхтасин Раҳимов колхозчиларнинг йил бошидан буён мўл ҳосил етиштириш учун пахта далаларида қилган фидокорона меҳнатларининг натижаларини якунлаб, бундай деди:

— Партия ва ҳукуматимизнинг доимий қилаётган раҳбарлиги, ёрдами ва колхозчиларимизнинг пахта далаларида зўр ғайрат билан ишлашлари натижасида колхозимизда пахтадан чинакам мўл ҳосил етиштирилди. Биз ўз зиммамизга олган мажбуриятни шубҳасиз оширибе бажарамиз.

Ўтган йили колхозимиз ҳар гектаридан атиги 9 центнердан ҳосил берган эди. Бу йил камида 25 центнердан ҳосил топширишимиз керак. Ҳозир ҳамма пайкалларимизда кўсаклар очилабошлади. Бу эса 25 августдан кечикмай пахта теришга тўшиш имкониятини беради. Бунинг учун йиғим-теримга тайёргарлик ишларини яқин кунлар ичида тамомлашимиз керак. Ҳозиргача 136 та этак, 84 коп-қанор ҳамда керакли тош-тарозилар тайёрланди. Автомашина ва аравалар ремонтдан чиқарилди, йўл-кўприклар тузатилди.

Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Маматқулов, ғўза парвариши даврида оммавий-сиёсий ишлар қанчалик йўлга қўйилган бўлса, йиғим-терим даврида бу ишларни яна ҳам кучайтириш зарурлиги тўғрисида гапирди.

Бошланғич партия ташкилотининг планига мувофиқ, дала шийпонлари тезда жиҳозлантирилиши, агитаторлар нинг иши кучайтирилиши, «Жанговар варақа»лар ўз вақтида чиқариб турилиши керак, Колхозда олти ерда ҳурмат тахтаси ташкил қилинади. Бригадалар учун иккита ва звеналар учун учта кўчма қизил байроқ та'сис этилади. Теримчилар ўртасида социалистик мусобақани кучайтириш учун тегишли мукофотлар ажратилди.

Йиғилиш қатнашчилари яхши ҳосилга кирмаган ғўзаларни парвариш қилишни давом эттириш билан бирга йиғим-теримга тайёрликни янада кучайтириш, бригадалар ўртасида ўзаро текшириш ўтказиш, пахта теришга уюшқоқлик билан киришиб, йиллик пахта тайёрлаш планини 20 октябрьгача бажариш тўғрисида қарор қилдилар.

Х. ИКРОМОВ.

Теримчилар мажбурият олмоқдалар

Тошкент область, Оржоникидзе район, Киров қишлоқ советидаги Киров номли колхоз бу йил 351 гектар ерга чигит экқан. Колхозчилар ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун астойдил курашиб келмоқдалар. Ҳозир далалардаги мўл ҳосилни кўрган киши бу мажбуриятнинг тўла бажарилишига ишонч ҳосил қилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «1950 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни уюштириш тўғрисида»ги қарорини Киров номли колхоз а'золари далада ғўза парваришини давом эттираётган бир вақтда кутиб олдилар. Булар партия, ҳукуматнинг қарори асосида ғўза парвариши билан бирга мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарлик ишларини кучайтириб юбордилар. Колхоз правлениеси энг узоги билан 25 августгача барча тайёргарлик ишларини тугаллаш юзасидан план тузиб, айрим кишиларга топшириқлар берди. Шу топшириқ юзасидан колхозда йўл-кўприкларни тузатиш, хирмон жойларини ва этак тайёрлаш, тош-тарозиларни ҳозирлаш, араваларни ремонт қилиш ишлари қизғин кетаётир.

Колхозадаги теримчилар партия ва ҳукуматнинг қарорига жавобан бу йилги мавсумда кўплаб пахта териш юзасидан ўз устларига мажбуриятлар олабошладилар. Чевар теримчи Мукаррам Мадаминова, Ҳалима Абдураҳмонова, Умри Абдуназарова, Мавжуда Шарипова, Ҳафиза Нўлдошева ўртоқлар мавсумда 7 минг килограммдан пахта теришга ва'да қилдилар.

Ф. РАҲМАТУЛЛИН.

Уруғлик майдонларини аниқлаш ва уруғлик тайёрлашни ўз вақтида сифатли ўтказайлик

Пахта ҳосилини оширишда уруғлик чигит ғоят катта аҳамиятга эгадир. Соғлом, тўқ, юқори ҳосилли уруғлик чигит текис униб чиқади ва мўл ҳосил беради. Бундай сифатли уруғлик чигитларни ҳамма агротехника қоидаларига мувофиқ парвариш қилинган серҳосил участкалардангина олиш мумкин. Уруғлик олиш учун энг соғлом ғўза туплари ва улардаги яхши етилган тўқ қўсаклар танлаб терилиши керак.

Яхши уруғлик тайёрлаш колхоз ва совхозларда энг серҳосил пахта майдонларини уруғлик учун ажратишдан бошланиши керак. Бу иш энг яхши далаларни текширб чиқишдан, «дала апробацияси» дан иборатдир.

Уруғлик майдонларни ажратиш учун пахта далаларини текшириб чиқиш вақтида серҳосил майдонларни ажратиш билан бирга, бу майдонлардан олинадиган уруғлик чигитнинг сифати ҳам далада ҳартарафлама текширилиши керак.

Уруғлик майдонларини аниқлаш вақтида энг серҳосил, тоза, касалликларга йўлиқмаган ва ҳашарот тушмаган далалар ажратилади. Гоммоз, вилт ва бошқа касалликларга йўлиққан, ҳашарот тушган, сувдан қолдирилган, камҳосил далаларни уруғлик олиш учун ажратишга мутлақо йўл қўйилмаслиги керак. Шу билан бирга, бу майдонлардан олинадиган уруғлик чигит миқдори аниқлансин.

Бу йил Ўзбекистонда 400 минг гектардан ортиқ ердаги ғўза уруғлик олиш мақсадида текширб чиқилади. Бу иш яқин кунларда, пахта йиғим-терими бошлангунча тамомланиши, текшириш натижалари колхозларда кўрилиши ва колхозларда уруғлик чигит жамғариш планларини тузиш учун, тайёрлаш ташкилотларига топширилиши керак.

Уруғлик майдонларини текшириб, тезроқ аниқлаш ишига Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлиги 7 минггa яқин колхозчини ва 700 дан ортиқ агрономни жалб қилади.

Областьлардаги уруғчилик ходимлари билан яқинда Тошкентда беш кунлик раҳбарлик кенгаши ўтказилди. Кенгашда уруғчи агрономлар область ходимларини дала апробациясини ўтказиш методикаси ва техникаси билан, шунингдек 1951 йилда экиш учун юқори сифатли уруғ ғамлаш соҳасидаги вазифалар билан батафсил таништирдилар.

Уруғлик пахтани қабул қилучи ҳар бир тайёрлаш пункти ҳузурида миналаб колхозчи, мўл ҳосил усталари ва тайёрлаш пунктларининг приёмщиклари уруғчи агрономлар раҳбарлигида та'лим оладилар.

Уруғлик майдонларини тўғри белгилаш учун далаларни диққат билан кўздан кечириш керак. Бу йил бирканча колхозда чигит экиш вақтида бошқа нав'лар қўшилиб экилди, ба'зи жойларда эса қайтадан экилди. Бошқа нав'чигит қўшимча экилган пахта далалари уруғлик олиш учун ажратилмаслиги, бундай ерлардан терилган пахта уруғлик билан аралаштирилмай, умумий асосда топширилиши керак.

Уруғлик олиш учун, даставвал, ғўзалари соғлом ва серҳосил майдонлар ажратилади. Шунинг учун уруғлик майдонини белгилаган вақтда, у ердан қанча уруғлик чигит олинажагини тўғри аниқлашга ҳаракат қилиш керак.

Рўзаларнинг ҳархил касаллик ва ҳашаротдан зарарланганлигини аниқлашга ҳам э'тибор бериш зарур, чунки бу йил республиканинг ба'зи колхозларида гоммоз касали анча тарқалди. Уруғлик олиш учун ажратилган далалар касалликлардан зарарланиш даражасига қараб тўрт группага бўлинади. Гоммоз ёки вилт билан зарарланган ғўзалар инструкцияда белгиланган ошиқ бўлмаган далалар дастлабки уч группага киритилади. Қолган далалар Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигининг кўрсатмасига мувофиқ, тўртинчи группага киритилади. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлиги белгилаганидан ортиқ зарарланган далалар уруғлик олиш учун ажратилмайди.

Уруғлик майдонларида пахтани теришга, ғўзаларда ўрта ҳисоб билан 3—4 кўсак очилиши билан киришиш керак. Бундан кейинги терим қолган кўсакларнинг яна 3 — 4 таси очилиши билан ўтказилади. Уруғлик олиш учун ажратилган участкаларда ҳосилни териб олиш жуда маъ'улиятли вазифадир. Ғўза тупидаги ҳамма кўсакнинг ҳам пахтаси сифат жиҳатидан бир хил эмас. Уруғлик пахтани э'тиборсиз, пала-партиш терганда бутун уруғликни бузиб қўйиш мумкин. Буни уруғлик учун ажратилган ерларда пахта теручи барча теримчига яхши тушунтириш зарур. Ҳарбир теримчи тўла етилган, бирхил пахталарни териши, етилмаган пахталарни теришга мутлақо йўл қўймаслиги керак.

Уруғлик олиш учун ажратилган участкадаги ҳамма пахта совуқ тушгун, ча териб олиниши, уруғлик пахтани алоҳида-алоҳида териш, хирмонларда қабул қилиш, қоплаш, ташиш ва тайёрлаш пунктига топшириш қоидалари колхозчиларга кенг тушунтирилиши керак.

Бу йил республикамиздаги 500 колхозда ва барча пахтачилик совхозида ўз эҳтиёжлари учун уруғлик чигит тайёрланади. Бу колхозларда тайёрланадиган уруғликнинг юқори сифатли бўлишини та'минлаш учун уруғлик майдонларини ажратишга алоҳида э'тибор бериш керак. Уруғлик участкаларидан терилган пахта тайёрлаш пунктлари ва пахта заводларида ҳарбир колхоз ва совхоз бўйича янги коп-қанорларда алоҳида-алоҳида сақланади, алоҳида тозаланади. Бу уруғлар пахта заводи ҳузуридаги лабораторияларда текшириб кўрилгандан кейин 1951 йил кўкламда экиш учун қайтарилади.

Уруғлик олинадиган далалар ажратиб бўлингандан кейин акт тузилади ва иш натижалари ғўзарисида колхозчиларнинг умумий йиғилишида агроном томонидан доклад қилинади. Актга текширишни ўтказган кишилар қўл қўядилар.

Кўп агрономлар уруғлик майдонларини текшириш натижалари ҳақида колхозчилар ва совхоз ишчиларининг умумий йиғилишларида доклад қилишга етарли э'тибор бермадилар. Ҳолбуки, уруғлик пахтани ўз вақтида сифатли териб олиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу билан юқори сифатли уруғлик тайёрлаш учун колхозчилар ва совхоз ишчиларининг жавобгарлик ҳисси ортади. Шу билан бирга, бу йиғилишларда уруғлик пахтани теришга тайёрлаш юзасидан амалий тадбирлар белгиланади.

Уруғлик оладиган майдонларни диққат билан текшириб чиқиб, уларни ўз вақтида аниқлаш жуда муҳим ишдир. Колхоз раҳбарлари, агрономлар, район пахтачилик бўлимларининг ходимлари, МТС директорлари бу муҳим ишга катта э'тибор бериб, уни муваффақиятли ўтказишда ҳартарафлама ёрдам кўрсатишлари керак.

В. КУЛАЧЕНКО.

Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига қарашли Пахта уруғчилиги республика станциясининг старший агрономи.

ТЕАТР „ҚЎРҚЎ ҒЛИ“



Суратда: «Кўр ўғли» операсидан бирнеча кўриниш. Ўнгда: Алининг кўзи ўйилган пайт. Ўртада Кўр ўғли билан Нигорнинг учрашуви. Чапда: рақс.

Душкин фотоси.

«Совет кишилари ҳарбир миллатнинг— каттами, кичикми барибир—ўзига хос хусусиятлари бор, бу хусусиятлар фақат унгагина хос бўлиб, бошқа миллатларда йўқ деб ҳисоблайдилар. Бу хусусиятлар ҳарбир миллатнинг жаҳон маданияти умумий хазинасига қўшадиган ҳиссасидир. Бу ҳисса жаҳон маданияти хазинасини тўлдиради ва бойитади». (Сталин).

Совет Иттифоқининг қон-қардош ва дўст оиласида ўз бахтини топган ва маданий равонланиши учун ажойиб имкониятга эга бўлган озарбайжон халқининг мамлакатимиздаги бошқа халқлар каби шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти кун сайин барқ уриб яшнамоқда. Қардош озарбайжон халқи ўзининг жуда яхши бадиий асарлари ва маданий меросларини СССР ва жаҳон маданияти хазинасига дурдона ҳисса қўшгандир. Озарбайжон халқи яратган «Шохсанам», «Аршин мол олон», «Кўр ўғли», ҳамда бошқа асарлар ва бу асарларнинг ба'зилари асосида ишланган кинофильмлар совет саҳналарида ва экранларидагина эмас, балки жаҳон саҳналарида ва экранларида ҳам намойиш қилинмоқда.

Ҳарбир халқнинг, ҳарбир миллатнинг ўз эртаги, достони ва ҳикояси бор. Булар ўша халқнинг қаҳрамонона ўтмишини, унинг эски тузумга қарши, бойлар, хонлар ва қатта ер эгаларининг зулмига қарши олиб борган курашини, ажойиб халқ фарзандларининг қаҳрамонлик, баҳодирлик зафарларини, халқ бахти-саодати йўлида курашганликларини тасвир этади. Халқ яратган бу достонлар, эртак ва ҳикоялар ёшларимизга ўтмишни билиб олишга, халқимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга ёрдам беради. «Кўр ўғли» достони ҳам адабий хазинамизда анъ шундай ажойиб асардирки, халқ бу достонда ўз фарзандларининг бойлар ва катта ер эгаларига қарши олиб борган курашини, қаҳрамонлик намуналарини кўради.

1938 йилда Озарбайжон сан'атининг Москвада бўлиб ўтган декадасида «Кўр ўғли» операси катта муваффақият қозонди. Ўртоқ Сталин бу опера ҳақида бундай деган эди: «Бу операнинг қиммати шундаки, у халқ достони асосида ёзилган. Операнинг сюжетига халқ достонининг сюжети асос қилиб олинган. Ба'зи композиторларимиз халқ музикасининг бадиий қимматига юзаки баҳо берадилар. Бу нарса уларнинг халқ музикаси асрлар давомида яратилганини, давр ўтиши билан тобора яхши ишланиб келганини, бадиий қиммати ортаборганини, эндиликда эса, бизга мукаммал сан'ат шаклида етиб келганини тушунмасликларини кўрсатади», «Кўр ўғли» достони ўртоқ Сталин та'риф этганидек, халқ достони, халқ ижодидир. Унинг музикаси ҳам халқникидир. Асрлар ўтиши билан бу асарнинг бадиий қиммати ортиб, бизга мукаммал сан'ат шаклида етиб келди. Эндиликда «Кўр ўғли» достони озарбайжон саҳнасида ҳам, ўзбек саҳнасида ҳам, арман саҳнасида ҳам ва бошқа халқлар саҳнасида ҳам совет маданиятининг катта ютуғи ва ғўзал асари сифатида кўрсатилмоқда.

...Ажойиб манзара — булутлар бланг ўпишгудек баланд тоғлар, поёнсиз яшил дала ва майсазорлар, ғўзал водий нўз олдингизда намоён бўлади. Лекин бу ерда пастнам, ярим хароба биноларгина, қолаверса юрган кишилар, катта ер эгаларининг зулми остида ташланган ярим ялонғоч деҳқонлар кўзга ташланади. Бу қишлоқда катта ер эгаси Ҳасанхон ҳукмронлик қилмоқда. Халқ унинг ерларида кеча-кундуз оғир меҳнат қилиб, қаттиқ азоб чекмоқда. Та'қиб остига олинган деҳқонлар бир-бирлари билан сўзлаша ва ҳасратлашаолмас эдилар. Улар Ҳасанхоннинг одамлари бўлмаган вақтдагина бир-бирлари билан гаплашадилар ва ўз дардларини ўртоқлашар эдилар.

Кунлардан бир куни турк подшоси Эҳсонпошшо Ҳасанхонга меҳмон бўлиб келади ва унинг энг яхши отларидан бирини олмоқчи бўлади. Бундан ҳурсанд бўлган Ҳасанхон унга от тақдим қилмоқчи бўлади. Улар ва сарой аҳлари отлар ўтлаб юрган ерга келадилар. Ҳасанхон ўз ёрдамчиси Иброҳимхонга энг яхши отлардан бирини олиб келишни буюради. Лекин Иброҳимхон отбоқар Алининг отлари орасида Эҳсонпошшога тақдим қиладиган тузукроқ от йўқлигини айтади. Бундан қаттиқ ғазабланган Ҳасанхон отбоқарни чақиртириб келтиради ва уни ўлгидек калтаклайди, ҳақорат қилади. Разил Ҳасанхон Алининг кўзларини ўйишга буюради. Эҳсонпошшо ва унинг атрофидаги кишилар Ҳасанхоннинг бу жирканч ишидан ҳурсанд бўладилар.

Хон саройидаги гўзал қиз Нигор Алининг ўғли Равшанни севади. У бу ҳақда ўз севгилисига хабар бермоқчи бўладн. Лекин хон ўзининг ёвуз ниятини амалга оширган эди. Алининг кўзлари ўйиб ташланади. Бу мудҳиш хабар ҳаммаёққа тарқалади. Хоннинг ёвузлигидан бутун халқ газабга келади. Шу пайтда кўзлари ўйиб олинган Али атроф-теваракни пайпаслаб, халқ орасига кириб келади. Алини бу ҳолда кўрган халойиқ яна ҳам дарғазаб бўлади. Бу мудҳиш хабар Алининг ўғли баҳодир, халқ қаҳрамони Равшанга ҳам эшитилади. Равшан ўз чавандозлари билан қишлоққа кириб келади. Отасини бу ҳолда кўрган Равшан қаҳр-газабга тўлади. У отасини бағрига босиб, унинг оқиз кўзларига узоқ тикилади.

— Ота, сенга нима бўлди? Сени ким бу ҳолга солди?

Чол бутун воқеани ўғлига сўзлаб беради ва унга «энди сен кўр ўғли бўлдинг, болам» дейди. Равшан шиддат блан ўрнидан қўзғалади ва отасига қараб бундай дейди:

— Ота, сенинг қасосингни мен оламан, халқ олади! Энди Ҳасанхон менинг қўлимдан қочиб қутилаолмайди!

Равшан блан бирга унинг йигитлари ҳам, атрофдаги деҳқонлар ҳам газаб блан ўринларидан қўзғоладилар.

Кўр ўғли хонлар, беклар ва катта ер эгалари зулми остида азоб-уқубат чекиб, қалби қаҳр-газаб ўтлари блан тўлиб-тошган бир группа деҳқонларни ўз атрофига олиб, улар блан бирга тоғларга чиқиб кетади. У бутун вилоятдаги деҳқонларни золим Ҳасанхонга қарши қўзғолон кўтаришга чақиради.

...Деҳқонларнинг ҳаракати кундан-кун кучайиб боради. Кўр ўғлининг муваффақиятли ҳужумлари катта ер эгаларини ташвишга солади. Ҳасанхоннинг ерларида тинчсизлик ҳукм суради. Ҳасанхон Кўр ўғлининг ҳужумларини ёлғиз бир ўзингина енгабилмаслигига ишонади. Шунинг учун у Эҳсонпошшо блан тил бириктиради ва Кўр ўғлига қарши Эҳсонпошшо блан бирга кураш олиб боришга қарор қилади. Эҳсонпошшо бунга рози бўлади.

Ҳасанхон янги иттифоқдоши шарафига саройда катта базм беради. Базм қизиб, турган пайтда хон отрядининг Кўр ўғли томонидан мажақланиб ташланган аскарлари саройга мадад сўраб кириб келадилар. Бу ҳол базмдагиларнинг кайфини бузади. Ҳасанхон блан Эҳсонпошшо маслаҳатлашиб, Кўр ўғлига қарши катта қўшин юборишга қарор қиладилар. Лекин хоннинг қизиқчиси улардан кулиб, қўшин юборишнинг нима ҳожати бор? Кўр ўғлининг Гирот деган оти бор. Уни ўғирлаб келиш учун бир кишини юбориш кифоя, дейди.

Қизиқчининг бу таклифи Ҳасанхонга ҳам, Эҳсонпошшога ҳам ма'қул тушади. Бу отни ўғирлаш учун сарой аҳлларидан Ҳамзабекни юборадилар. У отни ўғирлашга рози бўлади. Лекин Ҳасанхондан гўзал Нигорни ўзига хотинликка беришни сўрайди. Ҳасанхон унинг шартига рози бўлади. Ҳамзабек сафарга жўнайди.

...Қал'а. Кўр ўғли хон зулмидан эзилган ва хонавайрон бўлган деҳқонларни Женлибел тоғларидаги бир мустаҳкам қал'ага тўплаган. Қўзғолончиларнинг ҳаммаси шод. Улар хонлар, беклар ва катта ер эгаларига қарши курашишга тайёр эканликларини изҳор қиладилар. Қал'а минораси ёнидаги майдонга жуда кўп киши тўпланган. Улар хон қўшинлари устидан ғалаба қозониб, қайтиб келаётган севикли саркардаларни Кўр ўғлини таҳтана блан қутиб олмоқдалар. Паҳлавон ва баҳодир Кўр ўғлини деҳқонлар қуршаб олади лар, уни ғалаба блан қутлайдилар. Шу пайтда кимнингдир ёлвориб ёрдамга чақирган овози эшитилади. Маккор Ҳамзабек деҳқон кийимини кийиб, гўё Ҳасанхоннинг зулмидан қутилиш учун қал'ага киритишларини сўрайди. Ҳамзабек қал'ага киради. Кўр ўғли ундан қандай иш қилаолишини ва қандай касби борлигини сўрайди.

— Мен отбоқарман, — дейди Ҳамзабек.

Халқ унга шубҳа блан қарайди ва Кўр ўғлидан унга ишонмасликни сўрайди. Лекин соддадил Кўр ўғли халқнинг огоҳлантиришига қулоқ солмайди. У Ҳамзабекка ўзининг севган оти Гиротни боқишни топширади.

Кеч. Кучли момоқалдироқ бошланади. Сел қуймоқда. Шу кечанинг ўзидаёқ Ҳамзабек Гиротни ўғирлайди ва уни олиб қочади. Бундан хабар топиб қолган деҳқонлар Ҳамзабекнинг хоинлигидан ғазабланадилар, унга нафрат ўқийдилар. Кўр ўғли севган оти Гиротни излаб йўлга чиқади.

...Ҳамзабек Гиротни олиб келади. Ҳасанхон бу ҳийла ва макрнинг муваффақиятли тугалланганидан беҳад шод. Саройда жуда кўп меҳмонлар чақирилган. Ҳасанхон уларга зиёфат бермоқда. Базм қизиб турган пайтда нома'лум ошуқ кириб келади ва у тўсатдан созини чалабошлайди ва Кўр ўғлининг севикли отига бағишлаб ашула айтади. Меҳмонлар Кўр ўғлининг оти ҳақидаги ашуланы мароқ блан эшитадилар. Ошуқ ашуланы айтиб бўлганда Ҳасанхон ғурур блан унга Кўр ўғлининг Гироти хоннинг отхонасида эканлигини билдиради. Ошуқ ишонмайди. Ҳасанхон отни ошуқга кўрсатишни буюради.

Ошуқ отни кўраркан, қалби қувончга тўлади. Яна янги ашула айтади. У шундай завқ блан ашула айтадики, ҳатто Ҳамзабекнинг кириб қолганини ҳам билмай қолади. Хоин Ҳамзабек Кўр ўғлини дарров таниб олади ва бу ҳақда Ҳасанхонга ма'лум қилади. Ҳасанхон соқчиларга бу ошуқнинг Кўр ўғли эканлигини айтганда соқчилар ва меҳмонлар қўрққанларидан қочиб кетмоқчи бўладилар. Лекин соқчилар бирданига ёпирилиб, Кўр ўғлини ушлаб, унинг қўлини орқасига боғлайдилар.

Ҳамзабек хон томонидан қўйилган барча шартларни тўла бажарган учун Ҳасанхон Нигорни чақириб, шу кундан бошлаб уни Ҳамзабекка топширганлиги ва Нигор унинг хотини бўлажагини айтади. Кўр ўғли бўлаётган воқеаларнинг асл сабабини билмасдан, Нигорни хоинликда айблайди. Нигор юзидаги пардасини олиб ташлаб, ла'нати Ҳасанхонга нафрат ўқийди. «Сиз жон ичучи золимларсиз, сизнинг бу зулмингиз учун қасос олиш пайти ҳам келади», дейди, Нигор. Меҳмонлар Нигорнинг сўзларидан ҳайратда қоладилар. Ҳамзабек ханжарини олиб, Нигорга ташланади. Шу пайтда Кўр ўғли халқ орасига отилиб киради, темирдек маҳкам қўллари блан занжирни узиб, Ҳамзабекка ташланади. Кўр ўғли хоин Ҳамзабекни бир зарб блан ўлдиради. Ҳамма саросимага тушади. Кўр ўғли ўз отига миниб кетади.

Ҳасанхон ғазаб ичида қолади. У Нигор ва Кўр ўғлига ёрдам берган унинг энг яқин дўстлари Аваз ва сарой хизматчиси Пўлатни қатл этишга буюради.

...Шаҳар майдони. Саҳар пайти. Жарчилар Нигор, Аваз ва Пўлатнинг қатл этилажагини халойиққа хабар қилмоқдалар. Халқ тўпланмоқда. Лекин бу мудҳиш воқеа халқнинг ғазабини тоборо оширмоқда.

Нигор, Аваз ва Пўлатни дор тагига олиб келадилар. Халқ золимларга қарши олдинга ташланади. Лекин хон аскарлари уларни калтаклайдилар. Буйруқ бажарилмоқда. Шу пайтда Кўр ўғли аскарлари майдонга бостириб кирадилар. Улар Ҳасанхонни қуршаб оладилар, Нигор, Аваз ва Пўлатни озод қиладилар. Кўр ўғли, халқ ғалаба қозонади. Халқ ўз қаҳрамони паҳлавон Кўр ўғлини табриклайди. Ўйин-кулги, таътана бошланади...

«Кўр ўғли» достонининг қисқача мазмуни ана шундай. Бу достон совет операсининг энг яхши асарларидан ҳисобланади. Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет театри машҳур озарбайжон композитори Ҳожибековнинг бу асарини катта муваффақият блан саҳнага қўйди. Театр коллективининг ютуғи шундан иборатки, бу операда озарбайжон халқининг гўзал музикаси, севимли ва завқли ашула ва рақслари тўла ифода топган.

«Кўр ўғли» постановкасини Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист С. У. Муҳамедов саҳнага қўйган. Ўртоқ Муҳамедов бу операнинг ўзбек тамошабинларига манзур бўлиши ва ҳарбир рольнинг муваффақиятли чиқиши устида кўп меҳнат сарф қилган.

Операда «Кўр ўғли» ролини Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғулом Абдураҳмонов ижро этди. У паҳлавон Кўр ўғли образини яхши талқин этган. Гўзал Нигор образи орқали ўз ёрига ва севгилисига садоқатли, вафодор қизни, ҳақиқий севги ва муҳаббатни кўрамиз. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салима Хўжаева ана шу образни тўла ифода қилиб берди.

«Кўр ўғли»да Ҳасанхон ролида Ўзбекистон ССР халқ артисти Карим Зокиров ва артист Ж. Низомихўжаевлар ўйнайдилар. Улар бу рольни яратишга анча ҳаракат қилганлар. Артист М. Муллажонов ижросида Эҳсонпошшонинг ҳақиқий башараси очиб берилади. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Михаил Давидов операда Алихон ва қизиқчи рольларини ижро этади. Давидов ҳар икки рольни ҳам бир-биридан тамомила фарқ қилган ҳолда талқин этган. Ўзбекистон ССР халқ артисти Фотима Борухова ижро этган қўшиқ тамошабинда катта таассурот қолдиради.

Сталин мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева ижросида озарбайжон халқининг чиройли ўйинлари ва рақслари киши кўз олдида намоён бўлади.

«Кўр ўғли» операси рангба-ранг табиий манзараларга бой. Бу манзарани тамошабинга кўрсатабилиш катта усталикни талаб қилади. Ўзбекистон ССР халқ артисти рассом М. Мусаев бу вазифани шараф блан бажарган.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Е. Н. Барановский ўйинларни саҳнага қўйишда катта куч сарф қилган. Оркестр блан артистларнинг бирга, ҳамоҳанг бўлиб жўр қилиши дирижёрнинг маҳоратига ва усталигига боғлиқдир. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Б. Иноятов бу талабни жуда яхши англаб олган. У оркестрга моҳирлик блан раҳбарлик қилди.

«Кўр ўғли» операсини саҳнага қўйишда ана шу муваффақиятлар блан бир қаторда бирмунча камчиликлар ҳам бор. «Кўр ўғли» паҳлавон, кучли ва қувватли йигит. Унинг паҳлавонлиги ҳақида жуда кўп афсоналар яратилган. Ғулом Абдураҳмонов ашулаларни анча яхши ижро этган бўлса ҳам, лекин унда кўр ўғлига хос қаҳрамонлик, шижоат, ғайрат ва эпчиллик хусусиятлари кам учрайди. Ҳасанхон роли Карим Зокиров ижросида унча муваффақиятли чиқмаган. Артист Низомихўжаев эса бу рольни яхши ижро этди. Унинг ҳаракатлари, гап ва сўзлари Ҳасанхон образини тўлароқ кўрсатиб берган. Ба'зи артистлар дирижёрга тамомила тоби бўлиб қолганлар. Бунинг натижасида улар қаршисидаги кишига сўзламоқчи бўлган гапларини дирижёрга қараб гапирадилар. Бу эса ана шу рольни суғийлаштириб юборади.

Хавфсизлик Советининг 17 августдаги мажлиси

НЬЮ-ЙОРК, 17 август. (ТАСС). Бугун ўртоқ Я. А. Малик раислигида Хавфсизлик Советининг навбатдаги мажлиси бўлди. Малик мажлисни очиб, очиқ мажлис олдидан бўлган ёпиқ мажлисда Хавфсизлик Советининг а'золари ўтган мажлисда ўртага қўйилган масалалар юзасидан фикр олишганликларини айтди. Малик, ёпиқ мажлиснинг қатнашчилари келгусида ҳам шундай фикр олишишни давом этдириш мувофиқ деб топдилар, деди.

Шундан кейин Малик Куба вакили Альваресга сўз берди.

Альварес илгари Америка Қўшма Штатлари вакили Остин ва Англия вакили Жебб айтган гапларни такрорлади. У, лисинманчилар тўдасининг вакили Хавфсизлик Совети мажлисига чақирилмаганлиги учун таассуф билдирди.

Альварес СССР га қарши туҳмат гаплар билан тўлган нутқини Қурия масаласини тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги совет таклифини рад этиш билан тамомлади.

Сўнгра Америка Қўшма Штатлари вакили Остин катта нутқ сўзлаб, Қурия масаласини ҳал этиш тўғрисидаги америка нуқтаий назарини баён қилиб берди. Америка Қўшма Штатлари бу масалани империалистлар манфаатини кўзлаб ҳал этишни истайди. Остин Шимолий Қурияни ҳам, Жанубий Қурияни ҳам Қўшма Штатларга бўйсундиришга уринаётганлигини э'тироф қилди.

Остин ўз нутқини Альвареснинг Хавфсизлик Совети раиси Маликка қилган ҳужумларини ма'қуллашдан бошлаб, Малик Советнинг «нормал тартибда» ишлашига тўсқинлик қилмоқда деб да'во қилди.

Остин, Қўшма Штатлар тинчликка интилмоқда, деб мунофиқларча гапириб, Қўшма Штатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўз олдига қўйган мақсадларини қувватлашга тайёр, Қўшма Штатлар Қуриядан ҳарбий база сифатида фойдаланиш ниятида эмас, деб да'во қилди.

Остин Қурияда тартиб ўрнатиш ва урушдан «барқарор тинчликка» ўтиш учун Қурияда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг комиссиясини тузишни талаб қилди.

Остин ўз нутқида совет вакилига ва Совет Иттифоқига қарши қаратилган бирқанча туҳмат гапларни айтиб, Совет Иттифоқини Бирлашган Миллатлар Ташкилотини мустаҳкамлашга ёрдам беришни истамайди деб айблади.

Остин Қурияда уруш давом этаётганлиги учун жавобгарликни... Совет Иттифоқига тўнкамоқчи бўлди. Агар Совет Иттифоқи ҳозирги вақтда Америка Қўшма Штатларини Қуриядаги америка агрессияси учун жавобгарликдан халос қилиш ниятида ўз та'сирини кўрсатса, — деди Остин, — Қуриядаги уруш абадий тугатилади.

Остиндан кейин гоминдан вакили Цзян Тин-фу гапирди. У инглиз америка иттифоқини Осиёдаги империалистик агрессия бошлашда совет вакили кўйган айблардан ҳимоя қилишга лаганбардорларча уринди.

Цзян Тин-фу ўз нутқида Совет Иттифоқига қарши бирқанча қабиҳ туҳмат гапларни айтди.

Шундан кейин Югославия вакили Беблер гапириб, Ҳиндистоннинг ташаббусини табрикламаганлигини айтди.

Сўнгра Норвегия вакили Сунде сўзга чиқиб, Хавфсизлик Совети мажлисига Ли Син Ман вакилини чақириш ҳақидаги масалани яна кўтарди ва Ли Син Ман вакилини мажлисга таклиф этишга, шу билан бирга қурия халқи вакилини мажлисга чақирмасликка уринаётган инглиз-америка иттифоқининг тутган йўлини «оқлаш» учун узундан-узоқ ҳуқуқий далилларни келтирди.

Сўнгра Совет Иттифоқи вакили сифатида Малик гапириб, Остин нутқида келтирилган далилларга жавоб берди, совет делегацияси зарур деб топса, Остин нутқига кейинчалик жавоб беражагини эслатиб ўтди. Малик бундай деди: мен Остиннинг баёнотида янги бирор нарса борлигини аниқлашга ҳаракат қилдим, лекин бу нутқда янги нарса топаолмадим. Остиннинг баёнотида янги сўзлар бўлса ҳам, лекин мазмунида ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Остин асосий факт ҳақида, я'ни Америка Қўшма Штатларининг қурия халқига қарши бошлаган агрессияси ҳақида гапирмади; у, совет делегацияси келтирган фактлар ва далилларга жавоб бермади.

Малик бундай деди: Остин ўз нутқи билан жаҳон афкор оммасининг ва Хавфсизлик Советининг э'тиборини ҳозирги вақтда Қурияда бўлаётган ҳақиқий воқиалардан четга тортишга уринди.

Қурияда одамлар қони тўкилмоқда, хотин-қизлар, болалар ва кексалар ўлдирилмоқда, америка авиацияснинг ваҳшийларча бомбардимон қилиши натижасида халқнинг мол-мулки нобуд бўлмоқда, — деди Малик. — Қурияда мингларча америка солдатлари қирилмоқда: америка матбуотининг ёзишича, Қурияда ўн минглаб америка солдатлари нима учун жанг қилаётганликларини ва қирилаётганликларини билмай ўлиб кетмоқдалар. Малик айтдики, Остин ана шу масалалар ҳақида гапиришни истамайди ва келажак ҳақидаги умумий сўзлар билан кифояланади.

Хавфсизлик Совети олдида, — деди Малик, — Қурия масаласини тинч йўл билан ҳал қилиш муаммоси турибди. Бу масала ҳал қилинмоғи керак. Аммо Қўшма Штатлар бу масаланинг ҳал этилишини истамайди. Қўшма Штатлар делегацияси Қурия масаласини тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисида Совет Иттифоқи киргизган таклифга қарши чиқмоқда. Қўшма Штатлар маршаллаштирилган мамлакатларга таз'йиқ қилиб, бу мамлакатлар ёрдами билан совет таклифларини қабул қилдирмасликка зўр бериб уринмоқда. Қўшма Штатлар Қуриядаги низо'да қатнашучи икки томон вакилларининг фикрини эшитишни истамайди.

Малик бундай деб савол берди: низо'да қатнашучи икки томон, низо'га тортилган икки лагерь вакилларининг фикрини эшитмасдан туриб, масалани тинч йўл билан ҳал қилиш ҳақида гапириш мумкинми, ахир? Масалага холис қараган соғлом фикрли ҳарбир киши икки томоннинг фикрини эшитиш керак деган хулосага келиши керак. Бу, соғлом фикр нуқтаий назаридан ҳам, Бирлашган Миллатлар Устави моддалари нуқтаий назаридан ҳам равшан. Броқ Қўшма Штатлар бунга қарши чиқмоқда. Қўшма Штатлар тажовузкорликдан иборат таклифни киргизмоқда. Бу таклиф урушни кучайтиришга қаратилган. Қўшма Штатлар Қурияга кўп миқдорда аскар юбориш билан, Қўшма Штатлардаги доираларнинг мақсади учун жуда кўп кишиларни ўлимга ҳайдаш билан мақтанмоқда. Америка Қўшма Штатлари вакили бу доираларнинг агрессив ниятларини ниқоблаш учун яна Совет Иттифоқининг та'сири ҳақида гапирмоқда. Лекин Совет Иттифоқи ўз та'сиридан америкача. Ачесон май ойидаги сайлов вақтида Ли Син Манга та'сир қилганидек фойдаланишни истамайди.

Малик эслатиб ўтдики, совет делегацияси Қурия масаласини Хавфсизлик Советида тинч йўл билан ҳал этишда қатнашишга тайёр эканлигини айтди. Аммо Америка Қўшма Штатлари ҳукумати ва америка делегацияси Қурия масаласини тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги СССР таклифларига қарши чиқмоқдалар ва ҳар икки томоннинг фикрини эшитиш тўғрисидаги қонуний совет таклифларининг қабул қилинишига йўл қўймай келмоқдалар. Америка делегацияси бу ҳатти-ҳаракати билан Қурия муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш масаласининг Хавфсизлик Советида кўрилишига тўсқинлик қилмоқда.

Совет Иттифоқи, — деди ўз сўзини давом этдириб Малик,—Қурия масаласини Хавфсизлик Совети орқали тинч йўл билан ҳал қилишда актив қатнашишга тайёрдир, лекин Қўшма Штатлар буни истамайди, чунки Америка Қўшма Штатлари масалани тинч йўл билан ҳал қилишни истамайди, балки урушни кучайтиришни истайди.

Остин ўз нутқида, Хавфсизлик Совети ниҳоят доно ким кўрсатиш мумкин, деган эди. Малик ана шу сўзга тўхталиб, агар Қўшма Штатларнинг ҳукмрон доиралари Хавфсизлик Советини зўравонлик маконига айлантиришга уринмасалар, Қўшма Штатлардаги ҳукмрон доираларнинг агрессив сиёсати қуролига айлантиришга уринмасалар, Хавфсизлик Совети шундай орган бўлиши мумкин эди ва бўлар эди, деди.

Малик Хавфсизлик Совети Уставга мувофиқ, умумий тинчликни та'минлашда асосий орган эканлигини уқдириб, Хавфсизлик Советини ўзининг муқаддас бурчини бажаришга ва Қурия масаласини тинч йўл билан ҳал этишга чақирди. Броқ Малик бу таклифлар Америка Қўшма Штатлари ва унга итоат қилучи мамлакатлар томонидан вужудга келтирилган говга дуч келаётганлигини яна уқдириб ўтди.

Сунде Шимолий Қурия ма'мурлари Хавфсизлик Советини менсимадилар деб да'во қилган эди. Малик Сундега жавоб бериб, бу гапнинг ҳақиқатга тўғри келмаганлигини айтди. Малик бундай деди: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг протоколларидан ма'лум бўлишича, инглиз-америка иттифоқи Қурия масаласи Ассамблеяда кўрилган вақтда Шимолий Қурия вакилларини Бош Ассамблеяга киргизмади. Ҳозирги вақтда эса,—деди Совет вакили,—инглиз-америка иттифоқи Хавфсизлик Советида яна шундай сиёсатини юргизмоқда.

Малик сўзидан кейин Хавфсизлик Советининг мажлиси ёпилди.

Навбатдаги мажлис 22 август сешанба куни бўлади.

ҚУРИЯДАГИ ВОҚИАЛАР

ҚЎРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТЛАРИ

ПХЕНЬЯН, 17 август. (ТАСС). Пхеньян радиоси қуйидаги хабарни эшитдирди: Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 17 август эрталаб қуйидаги ахборотни э'лон қилди:

Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда ташаббусни ўз қўлларига олиб ва душманнинг қаршилигини енгиб, ҳужумни давом этдирдилар.

Халқ армиясининг Сончжу (Сейсю) ва Корей (Корей) томонида ҳужум қилаётган қўшинлари душманнинг қаттиқ қаршилигини енгиб, душман мудофаасининг муҳим пунктлари бўлган Сончжу ва Кореннн озод қилдилар.

ПХЕНЬЯН, 17 август. (ТАСС). Пхеньян радиоси билдиради: Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги бугун кечқурун қуйидаги ахборотни э'лон қилди:

Халқ армияси ҳамма фронтларда танк, мотомеханикалаштирилган ва артиллерия қисмлари кўмаги билан қаттиқ қаршилик кўрсатаётган америка қўшинлари ва лисинманчи қўшинларга қарши шиддатли жангларни давом этдирди.

Халқ армиясининг Егвань (Икан) томонида ҳужум қилаётган қисмлари Нактонган (Ракуто-Ко) дар'ёсининг шарқий қирғоғида қулай марраларлан, мустаҳкам мудофаа иншоотларидан, тиканли симлардан, табиий ва сун'ий ровлардан фойдаланиб, қаттиқ қаршилик кўрсатмоқчи бўлган америка қўшинлари ва лисинманчи қўшинларга зарба бердилар. Бу ҳужум натижасида Қурия Халқ армиясининг қисмлари 15 августда душман мудофаасининг муҳим пункти бўлган Егвань (Икан)ни тамомила озод қилдилар.

Егвань (Икан)ни озод қилиш учун бўлган жангларда Халқ армиясининг қисмлари душман солдатлари ва офицерларидан кўпини қирдилар ва асир олдилар. Кўп ўлжа олинди, шу жумладан 5 танк, 105 миллиметрли 12 тўп, 25 та ракета тўпи, 81 миллиметрли миномётлар қўлга туширилди.

13 августда Халқ армиясининг зенит артиллерияси «В—29» деган икки америка аэропланини уриб туширди.

ҚУРИЯДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 17 август. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Вашингтондаги мухбири хабар беради: Америка Қўшма Штатлари ҳарбий-денгиз қўмондонлигининг вакили кўйидагиларни айтди: Қуриядаги воқиалар бошланган вақтдан шу чоққача америка денгиз флоти Узоқ Шарққа 40 минг ҳарбий хизматчи, 500.000 тонна ҳарбий юк ва 2 миллион баррел бензин етказиб берди. 40 минг ҳарбий хизматчи орасида қуруқликдаги аскарлар, денгиз пиёда аскарлари, учувчилар ва матрослар бор. Шундан 2 минг киши аэропланларда келтирилди.

ЛОНДОН, 17 август. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Қурияда Макартур дала штаби ҳузурида бўлган мухбири хабар беради: Шимолий Корея қўшинлари америкаликларнинг Жанубий Қуриядаги энг муҳим мудофаа узели бўлган ТЭГУ (Тайкю)га ҳужум бошлаб ўзиюрар тўплар ва танклар ёрдами билан бугун Егвань (Икан) билан Гуньи (Гун И) ўртасида деярлик икки километр кенгликда америка мудофаа линиясини ёриб ўтганлар.

Ҳужумда 4 та Шимолий Корея дивизияси қатнашмоқда.

ҚУРИЯДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ ҲАҚИДА АМЕРИКА ХАБАРЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 17 август. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Қурияда 8-нчи америка армияси штаби ҳузуридаги мухбири хабар беради: 16 августга ўтар кечаси шимолий қурия қўшинлари Егвань (Икан)дан 8 километр шимолда Нактонган (Ракуто-Ко) дар'ёсидан муваффақият билан ўтганлар.

8-нчи америка армиясининг қуриядаги штаби хабар беради: 16 августда 24-нчи америка дивизияси ва денгиз пиёда аскарлари Чхан Ен (Сионей) районида яна қарши ҳужум бошладилар.

Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг хабарига кўра, денгиз пиёда аскарлари бундан 4 кун илгари Чиньчжу (Синсю) районидан «яширин равишда чекинганлар».

Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбири Суинтоннинг Қуриядан 13 августда берилган ва кечикиб олинган хабарида билдирилади: денгиз пиёда аскарлари 43 километр чекиниб, Чиньчжу районидаги қарши ҳужум вақтида ишғол қилинган бутун территорияни ташлаб чиқдилар.

Юнайтед Пресс агентлигининг Қуриядаги мухбири Миллер, Чиньчжу участкасидан чекинган вақтда кўп миқдорда америка ҳарбий анжоми қолдирилди, деб ёзади.

ХИТОЙДА СТОКГОЛЬМ МУРОЖААТИГА ИМЗО ТЎПЛАШ

ПЕКИН, 17 август. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Хитойда 400.519 темирйўлчидан 400.000 киши Стокгольм Мурожаатига қўл қўйди. Шарқи-Шимолий Хитойда Стокгольм Мурожаатига темирйўлчиларнинг оила а'золаридан 100 минг киши қўл қўйди.

Қишлоқ жойларида тинчлик ҳаракати берган сари кенгаймоқда. Хэбэй вилоятининг Чжэндин уездида Мурожаатга 115 минган ортиқ киши имзо чекди. Бу уездда америкаиинг Тайван ва Қуриядаги агрессиясига қарши норозилик ҳаракати билан бирга Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш кампанияси кенг авж олди.

Юйсянь уездида (Хэнань вилояти) Мурожаатга 219 минг киши, ёки уездаги бутун аҳолининг учдан бир қисми, шу вилоятнинг Ичуань уездида 138.800 киши, ёки бутун аҳолининг учдан бир қисмидан кўпроғи қўл қўйди.

Шаньси вилоятининг Чанчжи районида Мурожаатга 500 минг киши қўл қўйди ва ҳоказо.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ БЛАН АНГЛИЯ АРАБ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ИШЛАРИГА АРАЛАШМОҚДАЛАР

ДАМАШҚ, 17 август. (ТАСС). Байрутда чиқадиган «Куль-Шай» газетаси хабар беради: Америка Қўшма Штатлари ва Англия ҳукуматлари араб мамлакатларининг ҳукуматларидан коммунизмга қарши кураш юзасидан қандай чоралар кўраётганликлари тўғрисида доклад топширишни талаб қилганлар.

Ғарб мамлакатлари, — деб ёзади газета,—араб мамлакатлари ҳукуматларининг э'тиборини бу мамлакатларда коммунистларнинг фаолияти кучайганлиги Вашингтон ва Лондонда норозилик туғдираётганлигига жалб қилмоқдалар. Араб мамлакатларига бу ҳол улар учун кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкинлиги эслатиб ўтилган.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДА ЗАПАСДАГИ ОФИЦЕРЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 17 август. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг Вашингтондаги мухбири хабар беради: Америка Қўшма Штатларининг денгиз министрлиги запасдаги офицерларнинг бирқанчаси ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилганлигини хабар қилди. Хабарда айтилишича, ҳарбий хизматга чақирилган офицерлар орасида электрон ускуналар, разведка ва алока соҳасида ишловчи мутахассислар бор. Бундан ташқари, медицина ходимлари ҳам ҳарбий хизматга чақирилади.

Қуриядаги уруш учун Италияда кўнгиллилар тўплаш барбод бўлди

ПАРИЖ, 17 август. (ТАСС). Ҳафтада бир марта чиқадиган «Аксьон» газетаси «Де Гаспери учун кўнгилсиз воқиа» сарлавҳали бир мақола босиб чиқарди. Мақолада бундай дейилади: Қўшма Штатларнинг Римдаги элчиси Дан жаноблари билан Италия Министрлар советининг раиси де Гаспери жаноблари қийин аҳволда қолдилар. Улар Қуриядаги уруш учун кўнгиллилар тўплаш юзасидан кенг кампания э'лон қилган эдилар.

Италиядаги ҳукуматга қарашли газеталар ва радио «итальян экспедицион корпуси тезда америка қўшинлари билан биргаликда жанг қилади» деб жар солган эдилар. Аммо ҳозирги вақтда бу ҳақда ҳеч гапирмайди, чунки кўнгиллилар қабул қилиш бюросига жуда кам киши келди. Дан ва де Гаспери жаноблари кутилмаган бу воқиадан ўзларини йўқотиб қўйдилар. Улар Италияда ҳукм сурган ишсизлик (2 миллиондан ортиқ ишсиз бўлиши) талай миқдорда «кўнгиллилар» тўплаш имкониятини беради деб умид қилган эдилар. Де Гаспери француз дипломатига қуйидагиларни э'тироф қилиб айтган: сафарбарлик кампаниямизнинг бирдан-бир оқибати шу бўлдики, биз бу кампания билан Стокгольм мурожаатига имзо тўплашга ёрдам бердик, холос. Сўнгги икки ҳафта ичида Стокгольм Мурожаатига 4 ярим миллион имзо тўпланган. Юз берган ана шу аҳволда америка элчиси, Италия мунтазам армиясининг пиёда аскарлар қисми Қурияга юборилсин, деб талаб қилган. Италия ҳукумати рози бўлган, лекин америкаликларни бу аскарлар белгиланган жойга келгандан кейин уларни кийинтирингиз ва қуроллантирингиз деб огоҳлантирган. Бу огоҳлантириш шунинг учун зарурки, Италия армиясининг ма'навий аҳволи ёмон, унда қочоқлик, модий қисмларни ва ускуналарни ўғирлаш авж олган».

ТАИЛАНДНИНГ ТАРАҚҚИПАРВАР ДОИРАЛАРИ СССРНИНГ ХАВФСИЗЛИК СОВЕТИДАГИ ТАКЛИФЛАРИНИ ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

ДЕҲЛИ, 17 август. (ТАСС). Таиланднинг тараққийпарвар доиралари СССР вакили ўртоқ Маликнинг Хавфсизлик Советидаги ҳарбий-денгиз қўмондонлигининг вакили кўйидагиларни айтди: Қуриядаги воқиалар бошланган вақтдан шу чоққача америка денгиз флоти Узоқ Шарққа 40 минг ҳарбий хизматчи, 500.000 тонна ҳарбий юк ва 2 миллион баррел бензин етказиб берди. 40 минг ҳарбий хизматчи орасида қуруқликдаги аскарлар, денгиз пиёда аскарлари, учувчилар ва матрослар бор. Шундан 2 минг киши аэропланларда келтирилди.

ЛОНДОН, 17 август. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Қурияда Макартур дала штаби ҳузурида бўлган мухбири хабар беради: Шимолий Корея қўшинлари америкаликларнинг Жанубий Қуриядаги энг муҳим мудофаа узели бўлган ТЭГУ (Тайкю)га ҳужум бошлаб ўзиюрар тўплар ва танклар ёрдами билан бугун Егвань (Икан) билан Гуньи (Гун И) ўртасида деярлик икки километр кенгликда америка мудофаа линиясини ёриб ўтганлар.

Ҳужумда 4 та Шимолий Корея дивизияси қатнашмоқда.

ҚУРИЯДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ ҲАҚИДА АМЕРИКА ХАБАРЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 17 август. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Қурияда 8-нчи америка армияси штаби ҳузуридаги мухбири хабар беради: 16 августга ўтар кечаси шимолий қурия қўшинлари Егвань (Икан)дан 8 километр шимолда Нактонган (Ракуто-Ко) дар'ёсидан муваффақият билан ўтганлар.

8-нчи америка армиясининг қуриядаги штаби хабар беради: 16 августда 24-нчи америка дивизияси ва денгиз пиёда аскарлари Чхан Ен (Сионей) районида яна қарши ҳужум бошладилар.

Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг хабарига кўра, денгиз пиёда аскарлари бундан 4 кун илгари Чиньчжу (Синсю) районидан «яширин равишда чекинганлар».

Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбири Суинтоннинг Қуриядан 13 августда берилган ва кечикиб олинган хабарида билдирилади: денгиз пиёда аскарлари 43 километр чекиниб, Чиньчжу районидаги қарши ҳужум вақтида ишғол қилинган бутун территорияни ташлаб чиқдилар.

Юнайтед Пресс агентлигининг Қуриядаги мухбири Миллер, Чиньчжу участкасидан чекинган вақтда кўп миқдорда америка ҳарбий анжоми қолдирилди, деб ёзади.

ҲИНДИСТОНДА ИНГЛИЗЛАРНИНГ ХУЖАЙИНЛИГИГА ҚАРШИ ОММАВИЙ НОРОЗИЛИК МИТИНГЛАРИ

ДЕҲЛИ, 17 август. (ТАСС). 15 августда Калькуттада 20 жойда митинг бўлди. Бу митингларни Бирлашган касаба союзлари конгресси ва бирлашган социалистлар ташкилоти билан биргаликда Умумҳиндистон касаба союзлари конгресси ташкил қилди.

«Ҳиндистонда инглизлар ҳукмронлиги йўқолсин!», «Ҳиндистон Британия империясидан чиқиши керак!» деган шиорлар остида ўтган митингларда 200 мингдан ортиқ киши қатнашди.

Бу митинглар Ҳиндистоннинг мустақиллик олганига 3 йил тўлиши муносабати билан расмий равишда ўтказилаётган байрамга қарши тадбир сифатида уюштирилди.

Ғарбий Бенгалия ҳукуматининг биноси олдида бирнеча минг кишидан иборат қочоқларнинг намойиши бўлди. Намойишчилар ҳукуматдан дарҳол ёрдам берилишини ва ишга жойлаштиришни талаб қилдилар.



Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг боғларида бу йил узум мўл бўлди. Суратда: боғдорчилик звеносининг бошлиғи И. Мирзакаримов колхоз токзорида. М. Пенсон фотоси.

Колхоз бинокорлари

Самарқанд область қишлоқ хўжалик бошқармаси колхоз бинокорлари раҳбарларининг малакасини ошириш 3 ойлик курси ташкил қилган эди.

Курснинг иккинчи навбатини яқинда 140 киши битириб чиқди. Битирувчилар қурилиш майдонларини планлаштириш, турар-жой ва оммавий бинолар қуриш, маҳаллий материаллардан фойдаланиш юзасидан назарий ва амалий билимларини оширдилар.

КАТТА ЮТУҚЛАР

Фарғона область, Киров район, Валиев қишлоқ советидаги «Ободон» колхозининг а'зоси М. 2 процентлик Давлат заёмининг 1.000 сўмлик облигациясига 26.600 сўм, «Ватан учун» колхозининг а'зоси М. ҳам шу заёмнинг 200 сўмлик облигациясига 10.000 сўм ютдилар.

Э. МУҚИМОВ.

ФАБРИКА СПОРТЧИЛАРИ ЭКРАНДА

Тошкентдаги 1-нчи пойафзал фабрикасининг ўртоқ Аванесов раҳбарлигидаги физкультурачилар коллективи дам олиш вақтларида турли спорт ўйинлари блан шуғулланади.

Тошкент кино-хроника ва бадиий фильмлар студияси «Ўзбекистон спортчилари» кино-журналининг янги сонини пойафзал фабрикаси физкультурачиларига бағишлаб чиқарди.

Тамошабинлар кино-журналда участка мастери Рудзинскийнинг штангада машқ қилаётганини, токарь Зоҳидовнинг енгил атлетика машғулотини фабрика чемпиони Мария Муравьеванинг шар юмалатаётгани ва бошқа ўйинларни кўрадилар.

Кино-журнал пойафзалчиларнинг соғломлиги, эпчиллик ва куч-қувватини намойиш қилади.

П. ҒАНИЕВ.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Фарғона область, Каганович районидаги республика инвалидлар уйи ҳузурида янги ҳаммом ва 300 кишилик ошхона биноси қурилаётир. Қурилиш учун давлат бюджетидан 170 минг сўм пул ажратилди.

К. Раҳимов.

Самарқанд область, Ургут район киноларни ўрнатиш бўлими районнинг Ғўс, Қуйиқишлоқ, Испанза, Сталин, Холмат ва Ўрамас қишлоқ советларидаги колхозларда «Сталинград жанги», «Берлиннинг таслим бўлиши», «Совет Ўзбекистони» ва бошқа кино-фильмларни кўрсатмоқда.

Э. Сандов.

Маc'ул муҳаррир ўринбосари Б. РАҲМОНОВ.

ТЎҚИМАЧИЛИК, ТИКУВЧИЛИК ВА КЎН САНОАТИДА ИШЛАЁТГАН НЕМИС ВА ФРАНЦУЗ ИШЧИЛАРНИНГ ЖАНГОВАР ИТТИФОҚИ

БЕРЛИН, 17 август. (ТАСС). АДН агентлиги хабар беради: тўқимачилик, тикувчилик ва кўн саноати ходимлари касаба союзининг марказий конференциясида бу саноат тармоқларидаги герман ва француз касаба союзлари ўртасида тинчликни сақлаш ва ҳимоя қилиш тўғрисида жангговар иттифоқ тузилди.

Озод немис касаба союзлари бирлашмаси блан Франция умуммеҳнат уюшмаси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ҳар икки мамлакатдаги тўқимачилик, тикувчилик ва кўн саноати ходимларининг жангговар иттифоқи ғарбий давлатларнинг Ғарбий Германиядаги ҳарбий тайёргарликларига қарши, Франция ва Германиянинг ғарбий доираларига ҳарбий материаллар келтирилишига қарши бирлашиб курашишни, шунингдек ишсизликка қарши бирлашиб курашишни кўзда тутади.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИДАГИ ФРАНЦУЗ ДЕЛЕГАЦИЯСИ А'ЗОСИГА ҲУЖУМ

НЬЮ-ЙОРК, 17 август. (ТАСС). 15 августда Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги француз делегациясининг а'зоси Ордоннога ҳужум қилинди. Ордонно галантерия магазинига кираётган вақтида унга қуролли босқинчилар ҳужум қилганлар. Бу босқинчилар бундан сал илгари мазкур магазинни талаган эканлар.

Бу—Бирлашган Миллатлар Ташкилотн Нью-Йоркда иш кўрабошлагандан буён чет эл дипломатига қилинган иккинчи ҳужумдир. Биринчи марта 1946 йилда Украина вакили ўртоқ Стадникка ҳужум қилинган эди.

ИСРОИЛ ДАВЛАТИДА ФАШИСТЛАРНИНГ УЗБОШИМЧАЛИГИ

ПРАГА, 17 август. (ТАСС). Телепресс агентлигининг мухбири Тель-Авивдан билдиради: фашист корчалонлар тўдаси Ришон-Леционда коммунистлар томонидан ташкил қилинган митингга ҳужум қилди. Ниқоб кийган фашист зўравонлар митингни тарқатиб юбораолмаганларидан кейин йўлда пойлаб туриб, митингдан қайтиб келаётган 16 яшар комсомол Цви Альнерга ҳужум қилганлар, уни ерга йиқитиб урганлар, тепганлар ва қаттиқ яралар қилганлар. Альнер қаттиқ калтак зарбидан ўлган.

Полиция тергов бошлашдан ва жиноятчиларни қамоққа олишдан ҳозиргача бош тортиб келмоқда.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Пушкин номли парк) — 19 августда **Олтинкўл.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—**Ғ. Камол номидаги Татар давлат Академик** театрининг **Хайрлашув гастроли**—20 августда **концерт.** Касса кундуз соат 2 дан очилади.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Кўк қўлчлар,** кечқурун **Осмон секинлорари.**

«РОДИНА», «ВАТАН», ёзги «НАВОИЙ», ёзги «ТЕЛЬМАН» кинотеатрларида — янги бадиий фильм **Кўк қўлчлар.**

«ИСКРА» (ёзги) — **Эски Прага қаҳрамонлари.**

«НАВОИЙ» (қишки) — кундуз **Кўк қўлчлар,** кечқурун **Ленин Октябрьда.**

«9-НЧИ МАЙ» — **Улуғ тонг.**

«ИСКРА» (қишки) — 1-нчи залда **Ор-номус суди,** 2-нчи залда **Эски Прага қаҳрамонлари,** 3-нчи залда **Яков Свердлов.**

«ОКТЯБРЬ» — **Зоя.**

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА
19 августда
Қирғизистон ССР
давлат
халқ хорининг
ҲАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛИ.

Қатнашадилар: Қирғизистон ССР халқ артисти **Сайра Кинзбоева,** республикада хизмат кўрсатган артист **Мисқал Умурқанова,** демократик ёшларнинг Прагадаги Халқаро фестивали қатнашчиси **Назира Тойгомбоева** (лирик-колоратур сопрано). Ленин орденли Қирғизистон опера ва балет театрининг балет солистлари **Эркин Мигенилова, И. А. Кабеков** ва бошқалар.

Программани **Темирбеков** олиб боради.

Билетлар сотилмоқда. Коллектив заявкалар қабул қилинади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
Тез кунда
ПРЕМЬЕРА
Ипак қиз
4 пардали музикали драма
қўйилади.

Ўзбекистон Аэрофлот бошқармасига
жойларда ишлаш учун
старший бухгалтерлар
КЕРАК
Тошкент шаҳар, Гоголь кўчаси, 77-нчи уйда бош бухгалтерга мурожаат қилинсин.

Гўшт ва сут саноати министрлигига
бухгалтерлар ва **ревизор бухгалтерлар**
КЕРАК
Адрес: Тошкент шаҳар, Ленинград кўчаси, 19-нчи уй.

Ўзбекистон давлат филармонияси
Алишер Навоий номли опера ва балет театри биносида
21 августда
катта концерт
берилади.

Концертда: Сталин мукофоти лауреати СССР халқ артисти **Ҳалима Носирова,** Сталин мукофоти лауреати Ўзбекистон ССР халқ артисти **Муккаррама Тургунбоева,** Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Ф. Борухова, Ғ. Абдурахмонов, М. Ғафуров, Г. Карцивадзе, А. Овчинников,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Салима Хўжаева,** Ўзбекистон давлат филармонияси, Навоий номли опера ва балет театри ва Муқимий номли театрнинг солистлари, Ўзбекистон давлат филармониясининг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби Г. Дониях дирижёорлигида симфоник оркестри ва Навоий номли театрнинг миллий чолғу асбоблари оркестри қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар ҳозирдан сотилмоқда.

Военторгнинг
бўлимларида ишлаш учун
бош бухгалтерлар
КЕРАК
Иш ҳақи ўзаро келишилади. Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Шелковичная кўчаси, 12-нчи уй, Военторг бошқармаси.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ишдан бўшаб ўқиш шарти блан:
пахтачилик, ўрмончилик ва ўрмон-мелиорация,умумий деҳқончилик, тупроқшунослик, энтомология
мутахассисликларига
қўшимча
АСПИРАНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.
Кириш имтиҳонлари 10 сентябрьдан бошланади.
Ариза ва ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 32-нчи уй.

«СОЮЗРЕАКТИВСБИТ»НИНГ
ким'ёвий реактивлар базаси ва улгуржи-чакана магазинлари
ҳамма иште'молчиларга билдирадиларки, база ва магазинларда кўп миқдорда ҳархил органик ва неорганик
РЕАКТИВЛАР, КИСЛОТАЛАР, ИШҚОРЛАР ВА БОШҚА КИМ'ЁВИЙ МОЛЛАР СОТИЛМОҚДА
Бу моллар йиллик заявкалар ва бир марталик талаблар юзасидан берилади. Магазинлар ким'ёвий молларни почта орқали посилка қилиб юбориш учун заказ қабул қиладилар.
Базанинг адреси: Тошкент шаҳар, Клара Цеткин кўчаси, 78-нчи уй, магазинларнинг адреси: 1) Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 23-нчи уй, 2) Олмаота шаҳар, Шевченко кўчаси, 60-нчи уй.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34458. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими—31638. Маҳалл